



# ASR

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 27-OKTYABR, PAYSHANBA, 45 (677)-SON

e-mail: xxi\_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовни Туркменистон мустақиллигининг 25 йиллик шонли санаси муносабати билан чин қалбдан самимий табриқлаб, унга давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятига янги муваффақиятлар, дўст туркман халқига фаровонлик ва бардавом тараққиёт тилади.

Ўз навбатида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов самимий қутловлар учун чуқур миннатдорлик билдириб, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик ва раванқ тилаган шахсий истакларини изҳор этди.

Суҳбат чоғида тарихан қисқа вақт ичида Туркменистон кенг қўламли социал-иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг пухта ўйланган стратегиясини амалга оширгани тўғрисида истаъдодли ва меҳнатсевар туркман халқи фаровонлигини муттасил юксалтириш, маънавий янгиланиш, шунингдек, халқро майдонда мамлакат нуфузини ошириш борасида салмоқли ютуқ ва марраларга эришгани таъкидланди.

Халқларимизни кўп асрлик самимий дўст-

лик ва қардошлиқ, яқин қўшничилик ришталари, муштарак анъана, урф-одат ва маданий қадриятлар боғлаб туради. Бу узоқ муддатли, кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун мустаҳкам ва барқарор асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари яқинда турли даражада ўтказилган икки томонлама учрашувлар доирасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича эришилган келишувлар ижроси қандай бўраётгани хусусида фикр алмашди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркменистон дўст халқларимиз фаровонлиги, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида кенг қўламли ўзаро ҳамкорликни ҳамда долзарб халқро масалалар юзасидан амалий, ишончли ва очик мулоқотни изчил давом эттиришга тайёрлигини билдирдилар.

ЎЗА

## ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ўртасида Қирғизистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида атрофлича фикр алмашиб, ўзаро муносабатларнинг бир қатор асосий йўналишларида ижобий ўзгаришлар юз бераётганини алоҳида қайд этдилар.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, Фарғона vodiysining чегарадош вилоятлари раҳбарлари ва кенг жамоатчилиги иштирокида Андижон ва Ўш шаҳарларида ўтган Ўзбекистон ҳамда Қирғизистоннинг нуфузли делегациялари учрашувлари кўп асрлик анъанавий дўстлик ва яқин қўшничилик ришталарини, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегара-

ларини делимитация ва демаркация қилиш бўйича икки мамлакат ваколатли органлари биргаликда олиб бораётган ишларнинг муваффақиятли якунланишидан томонлар бирдек манфаатдор эканини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари томонларни қизиқтирган қатор минтақавий ва халқро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарлари қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида кўп қиррали ва узоқ муддатли муносабатларни, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш мақсадида бундан буён ҳам турли даражадаги ўзаро алоқаларни давом эттириш ва рағбатлантиришга келишиб олдилар.

ЎЗА



Солиқдор 2016 йил 27-октябрь

## Фракция позицияси эътироф этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция раҳбари Содиқжон Турдиев бошқарган мажлисда дастлаб 2017 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаев ахборот берди.

Нотиқ таъкидладики, келгуси йил учун давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилишида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоиз, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,9 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоиз, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши назарда тутилгани ҳамда мазкур кўрсаткичларнинг якунланаётган йилда ҳам юқори суръатларда ўсиши кутулаётгани асос қилиб олинган. Шунингдек, солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида фойда солиғи, обдонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, қў-

шилган қиймат солиғи ва бошқа бир қатор солиқ ва мажбурий тўловларнинг амалдаги ставкаларини сақлаб қолиш таклиф этилмоқда.

Келгуси йилга мўлжалланган молиявий ҳужжат билан танишгач, унда иқтисодий модернизация қилишни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юқини камайтириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш асосида макроиқтисодий кўрсаткичлар ўсишини таъминлаш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар назарда тутилаётгани эътиборимни тортди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Ўткир Бутаев. – Айниқса, солиқ сиёсати концепциясида рағбатлантирувчи чора-тадбирлар, солиқ юқини янада камайтириш, айрим солиқ имтиёзларининг муддатини узайтириш, солиқ тўловчиларнинг баъзи тоифаларига молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда ходимлар иш ҳақи ва даромадларини ошириш имконини бериши билан гоят аҳамиятлидир.

Давоми 2-саҳифада >>

## САЙЛОВ – 2016

2016 йил 22 октябрь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ваколатли вакили Марказий сайлов комиссиясига сиёсий партия томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

## О'zLiDeP ваколатли вакили марказий сайлов комиссиясига ҳужжатлар топширди

Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партия ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қонунчилик асосан сиёсий партия раҳбарининг Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб ёзган аризаси тақдим этилди.

Аризага Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси VIII съездининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, съездининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, партия томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзо варақалари илова қилинди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома берди. Тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунда белгиланган муддатда сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқлиги кўриб чиқилади.

Ҳозирги кунда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақаларининг тўғри тўдирилганини текшириш юзасидан ички ишлар, адлия органлари, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассислари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари билан иборат экспертлар гуруҳлари ўз ишини давом эттирмоқда.

ЎЗА

## МУНОСАБАТ

## Ҳуқуқ ва манфаатлар устуворлиги энг долзарб вазифадир

Мустақиллик йилларида ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади, дейишга бизда тўла асос бор. Унда суд, ҳуқуқни муҳофаза

**Владислав ЦВЕТКОВ,**  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатасидаги  
О'zLiDeP фракцияси  
аъзоси



қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлиги ҳамда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга эътибор қаратилган.

Хусусан, фармонда қамқоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ

бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилиши жиноий жазоларни либераллаштиришга, ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илғор шакл ва услубларини кенг қўллаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Давоми 3-саҳифада >>



БОШ  
ВАЗИРНИНГ  
ВИРТУАЛ  
ҚАБУЛХОНАСИ

## Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди

муҳими унинг қай даражада ечим топишида

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ана шундай ҳаётий принцип асосида ишлаб, халқ минбари, адолат тарозисига айланмоқда, десак асло муболаға бўлмайди. Бугун қай бир юртдошимиз билан гаплашманг, бу фикримизни тўла тасдиқлайди. Қуйидаги суҳбатдошларимиз билан мулоқот чоғида ҳам эртанги кунга ишонч, ислохотларга хайрихоҳлик ва мамнуниятни ҳис этдик.

**Басира ИСЛОМОВА,**  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети талабаси:

– Биринчи Президентимиз “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди”, деб тақдор ва тақдор таъкидларди. Шу маънода яқинда Ўзбекистон ҳукумати порталида очилган Бош вазирнинг

виртуал қабулхонасини давлатчилигимизга хос адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасидаги анъаналарнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин.

Бугун минглаб юртдошларимиз, хусусан, ёшларимиз ҳам ўзларини ўйлантираётган муаммолар тўғрисида мамлакатимиз Бош вазирга мурожаат қилмоқда. Мен ҳам университетимиз ётоқхонасини кенгайтириш ва

унда қизлар учун алоҳида шарт-шароит яратиш бўйича виртуал қабулхонага таклиф жўнатганим, қисқа муддатда жавоб келди. Айни пайтда ётоқхонада таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Ишончим комилки, унда вилоятлардан келиб таҳсил олаётган қизларимиз учун муносиб шароит яратилади.

Давоми 3-саҳифада >>

# НУҚТАИ НАЗАР

## Фракция позицияси эътироф этилди

« Давом. Бошланғич 1-сакҳида»

Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармони бу борада амалга оширилаётган тизимли ишларни сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқишини алоҳида эътироф этилди.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Зеро, ушбу ҳужжат асосида тадбиркорларга жуда катта имтиёзлар тақдим этиляпти, — дейди **O'zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова**. — Хусусан, фармонда тадбиркорларнинг суд орқали ҳимояланишини кучайтириш, амалдаги қонунчилигимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ нормаларни янада либераллаштириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, мазкур субъектлар фаолиятига асоссиз аралашуш ва фаолияти тўхтатилишига йўл қўймасликка қаратилган меъёрларнинг акс этаятгани мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш баробарида иқтисодий тараққиётга, бюджет маблағларининг тадбиркорлик фаолияти ҳисобидан янада ошиб боришига замин яратди. Бу эса O'zLiDePнинг қулай ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришга қаратилган дастурий мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.

Шундан сўнг фракция аъзолари кун тартибдаги иккинчи масала — 2017 йилга мўлжалланган аҳоли бандлиги дастури лойиҳасини ҳам атрофлича кўриб чиқишди.

Айни масала юзасидан Меҳнат вазири ўринбосари Баҳодир Нисомов сўзга чиқиб, лойиҳага кўра янги йилда 390 минг киши доимий иш билан, 200 минг киши қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг киши шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, ҳунармандчилик ва оилавий тад-



биркорлик орқали иш билан таъминлашни мўлжалланаётганини О' қайд этди. Шунингдек, келгуси йилга мўлжалланган бандлик дастури лойиҳаси меҳнат бозоридagi талаб ва таклиф, жойлардаги мавжуд имкониятларни чуқур таҳлил этиш орқали, қолаверса, ўтказилган мониторинг натижалари ҳамда депутатларнинг назорат ишлари яқунлари бўйича билдирган таклифлари асосида ишлаб чиқилганини ҳам айтиб ўтди.

— Мазкур лойиҳа концепциясига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг аввалгиларидан фарқи аниқроқ кўринади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Ходжаева**. — Жумладан, унда меҳнат бозорига талаб ва таклифни баҳолаш масаласи чуқур ўрганилган. Барча туман ва шаҳарлар учун навбатдаги йилда иш ўрни яратиш ва ишга жойлаштиришга бўлган эҳтиёж ҳамда ушбу талабнинг структураси аниқланган.

Бу эса таълим муассасалари битирувчилари, меҳнат мигрантлари, аҳолининг муҳтож қатламлари ҳамда ишсизларни иш билан таъминлашнинг мавжуд имконият ва йўналишларини аниқлаштириш имконини беради. Шу билан бирга дастур лойиҳасида унинг параметрларини сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларнинг белгилангани, хусусан, бундан иш ўринлари ямаркаларидан меҳнат

майдонлари ташкил этиш, уларга "ягона дарча" хизмати мутахассисларини жалб этиш аҳолини кафолатланган иш билан таъминлашга самарали ҳисса қўшади.

Фракциямиз аъзолари, айниқса, дастурда таҳлил қилинаётган тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 15,8 триллион сўм ажратилиши, хусусан, ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларини, ўзи-ўзини банд қилишни ривожлантириш ҳисобига 308 минг 600 нафар аёллар, ногиронлар ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъминлашга эришиш бўйича белгиланган йўналишларга алоҳида эътибор қаратишди.

Савол-жавобларга бой бўлган мажлис давомида депутатлар томонидан янги йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасида белгиланган иш ўринларини ташкил этиш механизмлари ҳамда унинг мониторингини юритишга доир масалалар ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Йилгилиш сўнггида кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,**  
"XXI asr" мухбири

**Кун кеча O'zLiDeP "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармонининг мазмун-моҳиятини партия электроти ва фаолларида тушунтиришга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

### Маҳаллий тузилмалар масъулияти

Таъкидланганидек, мазкур фармон мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитининг янада яхшиланишига хизмат қилади. Чунки ушбу ҳужжатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, улар фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган.

Ушбу ҳужжат хусусий мулк муҳофазасини янада кучайтириш, тадбиркорлик учун янада қулай шарт-шароитлар яратилишига йўл очади, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширади. O'zLiDeP электротари, айниқса, кичик бизнес вакилларининг эркин ва самарали ишлашида янги имкониятлар яратди. Бу эса халқимиз фаровонлиги ошиши, Ватанимиз тараққиёти янада юксак погоналарга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир якунида партия маҳаллий тузилмалари зиммасига мазкур фармоннинг мазмун-моҳиятини партия электротартига етказишга қаратилган турли тадбирлар ташкил этиш, қизғин тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш юзасидан муайян вазифалар юкланди.

**O'zLiDeP Матбуот хизмати**

### ДАВРА СУҲБАТИ

## Хусусий сектор янада эркинлашади

**Қарши шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Мулоқотни парламент кўйи палатасидаги Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси Тўлқин Эшназаров кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармони ҳуқуқни муҳофазаси ва назорат қилувчи тузилмалар билан тегишли муносабатлардан тортиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жавобгарлигини энгиллаштириш каби деярли барча жиҳатларни қамраб олганини таъкидлади.

— Фармонда ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи ва назорат органларининг вазифа ва ваколатларини танқидий таҳлил қилиш асосида тегишли норматив ҳужжатлар қабул қилиш назарда тутилмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзоси Комилжон Эрназаров**. — Айниқса, тадбиркорлик фаолиятига қонуна хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, тадбиркорга етказилган зарарининг айбдорлардан ундирилиши белгилангани ишбилармонлик учун янада мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя яратилганини кўрсатиб турибди. Кун кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" ги қонун лойиҳаси қонунчилик палатасида янги мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган ҳам бу борада яна бир муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин.

Қайд этилганидек, Олий Мажлис ҳузурида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтининг ташкил этилиши тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, улар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари амалда рўёбга чиқарилишини ўрганиш, соҳа фаолиятининг амалга оширилиши самарадорлигини баҳолаш, ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риёя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш имкониятини бериши билан гоят аҳамиятлидир.

— Вилоятимизда жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 1 минг 405 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, улар сони 1 минг 544 тага етди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Райрат Жавлиев. — Бугун воҳа аҳолининг 77 фоизи мазкур тармоқда иш билан банд. Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган уч чорада вилоят тижорат банклари томонидан 768 миллиард 400 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Хусусан, йилига 37 минг тонна толана қайта ишлайдиган қўшма корхона ташкил этиш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди. Хориқлик ҳамкорлар иштирокидаги мазкур лойиҳа амалга оширилган, 7 минг йилгит-қиз бандлиги таъминланди. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, Ғузор, Қамаш, Миришкор туманларида экин майдонларини электр насослар ёрдамида суғораятган фермерлар кўпчилигини ташкил этади. Улар учун имтиёзлар бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқаямиз.

Ўзбекистон Савдо-санъат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи Саъдулла Бобоқуловнинг маълум қилишича, вилоятда умумий оқватланиш шохобчаларига табиий газ етказиб беришда айрим қийинчиликлар юзга келаяпти. Жумладан, 610 нафар улгуржи истеъмолчи газ тармоғидан узиб қўйилган. Ушбу шохобчаларда меҳнат қилиб келган хизматчилар ҳазирча бекор туриб қолган. Уларга табиий газ етказиб бериш чоралари кўрилиши керак.

— Тадбиркорларга савдо фаолияти бўйича улгуржи лицензия беришни қайта кўриб чиқиш зарур, — деди **Китоб туманидаги "Севаз-Андроник" масъулияти чекланган жамияти раиси, Ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Алишер Бойқараев**. — Амалдагиси тадбиркорларга оғирлик қилади. Очиғини айтиш керак, айрим мевани қайта ишлаш корхоналари бугунги кунда улгуржи савдо билан шуғулла олмапти. Шу боис мазкур лицензиянинг устав миқдори камайtirилиши лозим.

Давра суҳбатида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар тадбиркорликни янада ривожлантириш, истеъмол бозорини тўлдириш ва янги иш жойларини яратиш орқали халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши эътироф этилиб, бир қанча таклифлар ишлаб чиқилди.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**  
"XXI asr" мухбири

*Ўтган даврда мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етиб, иқтисодиётнинг етакчи кучига айланмоқда.*

## Электорат ҳимояси мустаҳкамланади

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 5 октябрда имзоланган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармон бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтаради, десак асло муболага бўлмайди. Зеро, мазкур фармон ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар билан ўзаро муносабатлардан тортиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни қамраб олгани билан диққатга сазовор.

Мазкур ҳужжатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши назарда тутилди, бу соҳа вакиллари фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйиш билан аҳамиятлидир. Шунингдек, давлат органига тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун айбдор ходимларга нисбатан нафақат интизомий, балки маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг



**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси*

энг қатъий чораларини қўллаш мажбурияти юкланди. Ушбу субъектларга етказилган зарарнинг бевосита ушбу ходимлардан ундирилишини таъминлаш белгиланди.

Фармон билан жорий этилаётган муҳим янгиликлардан яна бири шуки, Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этилади ва у тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтиради. Таъкидлаш керакки, халқаро амалиётда ҳам тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш, уларнинг давлат тузилмалари билан муносабатларидаги манфаатларини ифодалашда вакил институти муҳим ўрин тутди.

Фармон қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал

ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар дастурининг тасдиқланиши ҳужжатнинг нечоғлиқ ҳаётийлигидан далолатдир.

Соҳани қўллаб-қувватлашга эътибор кучаяётгани бежиз эмас. Мазкур тармоқ нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг ҳамда фаровонликка эришишнинг муҳим омилга айланди. Зеро, тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган махсулотлар бозорларимиз тўқинлигини таъминлаш билан бирга давлатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга салмоқли улуш қўшмоқда.

Умуман олганда, мазкур фармон халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

✓ Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармонлари ҳамда "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий омил бўлмоқда.

## Тадбиркорликка кенг йўл

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармоннинг қабул қилиниши Биринчи Президентимиз томонидан бошланган ислохотларнинг узвий давомидир. Мазкур норматив ҳужжат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган билан эътиборга молик.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, соҳани қўллаб-қувватлашга эътибор кучаяётгани бежиз эмас. Мазкур тармоқ нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаига, фаровонликка эришишнинг муҳим омилга айланди. Тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган махсулотлар бозорларимиз тўқинлигини таъминлаш баробарида давлатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам салмоқли улуш қўшмоқда.

Янги фармон асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, соҳа фаоли-

тига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди. Айниқса, соҳага оид қонунлар ижроси устидан Парламент назоратини кучайтириш мақсадида Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этиш мўлжалланаётгани хусусий секторнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутди.


Ушбу муҳим ҳужжат ўз навбатида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти зиммасига ҳам масъулиятли вазифа юклайди. Хусусан, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳужжатнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига тушунтириш бўйича тарғибот ишларини йўлга қўйиш, унинг ижросида фаол қатнашиш талаб этилади.

**Эрнест САТТАРОВ,**  
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходими

# МУНОСАБАТ

## Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди

муҳими унинг қай даражада ечим топишида



Саломат ШИРДОРОВ оғли билан сурабди

«Давоми. Бошланғич 1-саҳифада»

### Азизбек ТЕМИРОВ, ёш тадбиркор:

– Мен раҳбарлик қилаётган “ECO FOOD LINE” масъулияти чекланган жамияти таълим муассасаларида умумий оқатланш фаолияти билан шуғулланади. 2016-2017 йилларда 1-Тошкент юридик коллежи ошхонаси фаолиятини юритиш бўйича тендерда ғолиб бўлди. Аммо тендердан сўнг уч ой вақт ўтса-да, иш бошлаш олмадик. Сабоби, ҳужжатларни расмийлаштиришда баъзи қийинчилик ва сансалорликка учрадик. Шундан сўнг мазкур масала бўйича виртуал қабулхонага мурожаат этдик ва буни қаранг-ки, уч ойда ҳал бўлмаган муаммо уч кунда ижобий ечим топди. Айтиш керакки, бу ечимнинг сифатли ва арзон оқатланш фаолиятини таъминлашга таяёр ҳолатга келтирилмоқда. Очиги, муаммо бу қадар тез ечим топади, деб ўйламаган эдим. Шу боис, шу иш бошида туриб, халққа берган вазъатнинг устидан чиқиб кетган ҳуқуқимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Қолаверса, яқинда эълон қилинган имзо чеккан “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон учун алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Боиси, бу тарихий ҳужжат орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашувларни, кескин қисқартириш, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик каби масалалар давлат органларининг биринчи даражаси вазифаси этиб белгиланди. Бу эса фаолиятимизни эмин-эркин олиб боришимиз учун ҳуқуқий кафолатдир. Шундай экан, бор куч ва имкониятларимни шу юрт равақига қаратиш билан шуғулланавераман.

### Сухробтўра УСМОНТўРАЕВ, Тошкент давлат техника университети талабаси:

– Бугун ўтқинчи ҳою ҳавасга берилиб, ўзгиргани, ўзбекна иб-ҳаёни унутиб, очик-соқиб қилиб кийиб олган йил-қизларни кўп учратаяпмиз. Энг ачинарлиси, бундай ҳолат олий таълим муассасаларида тахсил олаётган айрим талабалар орасида ҳам учраб турибди.

Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур виртуал қабулхонага олий таълим муассасаларида одоб-ахлоқ қоидалари, хусусан, қизларнинг кийиниш маданиятини яхшилаш масаласида мурожаат қилдим. Ушбу тақлифимга қисқа фурсатда жавоб қайтди ва айни пайтда ҳар бир дарсда устозларимиз беш дақиқа давомда одоб-ахлоқ, жамоат жойида кийиниш қоидалари ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Ўйлаётганим, бу ўз самарасини беради.

Зеро, Биринчи Президентимизнинг “Оқсак манавият – энгилмас куч” асарида таъкидланганидек, “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди, бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”дир.

### Дилдора ЮНУСОВА, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси:

– Бу йил Тошкент давлат педагогика университетида иш бошлаганимга 19 йил тўлди. Айни пайтда университетнинг бошланғич таълим ва жисмоний маданият кафедраси ўқитувчисиман. Таълимнинг ушбу йўналиши педагогдан ўз малакасини ошириб боришни талаб этади. Шу мақсадда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига малака оширишга кетган эдим. Қайтиб келганимдан сўнг ишдан мени бўшатганини маълум қилишди. Огоҳлантиришсиз қабул қилинган ушбу қарорнинг сабабини сўраганимда ҳисоботни ўз вақтида топширмаганим ва соҳада малакам етарли эмаслиги туфайли мен билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганини айтишди. Шундан сўнг жорий йил 16 октябрда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига ушбу масала юзасидан мурожаат жўнатдим ва уч кун ичида ишга қайта тикландим. Ҳақиқат қарор топди. Ушбу беминнат ердими, адолатпарварлиги, халқпарварлиги учун Бош вазирга самимий миннатдорлигимни билдираман.

“XXI asr” мухбири Акбар МУЗАФФАРОВ ёзиб олди.

Истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг етакчи кучи сифатида ўзини ҳар томонлама намоён этмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги тизимли саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтаради, десак, асло муболаға бўлмайди.

## ҲАМ имтиёз, имконият

### Шухрат ШАРАФУТДИНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси



Зеро, унда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада тараққий топтириш, соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида долзарб вазифалар белгиланган.

Айни чоғда мазкур ҳужжат билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастурига кўра, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, давлат ҳамда бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф қилиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очик ва шаффофлигини таъминлаш доирасида умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос бир қатор қонунларни қабул қилиш назарда тутилган эътиборга моликдир. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида”, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги янги қонунларни қабул қилиш, амалдаги “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонун ҳамда Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади. Бу мамлакатимизда кулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилиши баробарида, тадбиркорлар манфаатларини ифодалашда парламентнинг роли, аҳамияти ҳамда масъулиятини янада оштиради.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири, партияимизнинг асосий электорати бўлган тадбиркорлар манфаатига тегишли долзарб масалаларни ҳал қилишдир. Бу йўналишдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, хусусий сектор қонуний манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш учун биз, депутатлар энг аввало, ушбу

фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишимиз, белгиланган чора-тадбир ва устувор йўналишларни рўйбга чиқариш, айниқса, қабул қилиниши мўлжалланаётган қонунларни ишлаб чиқиш ва қонунчилик ижроси устидан парламент назоратини ўрнатишда ташаббускор бўлишимиз лозим.

Шу маънода O‘zLiDeP электорати вакиллари, тадбиркорлар ва фермерлар иштирокида вилоятлар кесимида ташкил этилган учрашув давра суҳбатларида 7,5 мингдан кўпроқ аҳоли вакиллари фаол иштирок этганининг ўзи юртдошларимизнинг бу борада фаоллик кўрсатаётганини исботлайди.

Бундан ташқари, фармон билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастури тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жиноят қонунчилиги нормаларини янада эркинлаштириш, бу турдаги жиноят содир этилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш, шунингдек, ушбу субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашининг ягона мезон ва асосларини белгилаш тўғрисида тақлифлар ишлаб чиқишини назарда тутди.

Дастур, шунингдек, ҳўжалик судлари тизимида суд мажлислари аудио ва видео ёзувларда қайд этиш механизмларини жорий этиш тадбирларини, қабул қилинган қарорларнинг веб-сайтлар-

да эълон қилинишини, ҳакамлар суди қарорларини мажбурий ижро этишга ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза беришда тадбиркорлик субъектларини давлат божига тўлашдан озод этишни ҳам ўз ичига олади.

“Электрон ҳуқуқат” тизимини жорий этиш доирасида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг бевосита мулоқот қилмайдиган шакллари кенгайтириш бўйича комплекс тадбирлар мўлжалланган. Хусусан, дастур тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали “ягона дарча” маъносидаги кўрсатилмаган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтиришни ҳам назарда тутди.

Мухтасар айтганда, мазкур фармон сўнгги йилларда ушбу соҳа ривожини йўлида қабул қилинган, ўз қўлами ва мазмунига кўра энг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Унинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлар йўлидаги маъмурий гов ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш ва иқтисодиётимизнинг янада жадаллик билан ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади.

## Ҳуқуқ ва манфаатлар устуворлиги энг долзарб вазифадир

«Давоми. Бошланғич 1-саҳифада»

Мисол учун, жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида, жиноят содир этишда гўмон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўйлашнинг, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилмоқда.

Ушбу чораларнинг жорий этилиши, бир томондан, фуқароларнинг эркинлигини асоссиз чеклашдан ҳимоя қилиш, иккинчи томондан, суриштирув ва тергов органларининг масъулияти ва фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бугун дунёда шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёни ҳар бир соҳадан тезкорлик, аниқлик, масъулият ва сифатни талаб этмоқда. Ана шу ҳаётини принципга амал қилинса, қайси соҳа бўлмасин, тараққиётга, ривожланишга эришилади. Бу талаб, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида муҳим аҳамият касб этади. Янги ҳужжатда бундай муҳим жиҳатларга алоҳида урғу берилганлиги бежиз эмас. Хусусан, судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича яқиний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жи-

ноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қолаверса, суд қарорларининг қонуний ва асослигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, айниқса, суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортақча оралик инстанцияларни бартараф этиш мақсадида фармонда вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибда қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялари тугатилиб, ўз навбатида, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибда протест келтириш ваколати бекор қилиниши назарда тутилди. Шу билан бирга, Олий суд Пленумининг ишларни назорат тартибда кўришга оид бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинмоқда.

Энг муҳими, ортақча ва бир-бирини такрорловчи инстанцияларнинг бекор қилиниши орқали айнан бир назорат инстанцияси томонидан ишларнинг бир неча бор кўриб чиқилишининг олди олинади. Бу эса суд қарорларининг узи-кесиллиги ва барқарорлигини таъминлаб, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада оширади.

Фармоннинг яна бир ўзига хос аҳамияти шундаки, унинг ижросини таъминлаш доирасида Конституциямиз, Жиноят, Жиноят-про-

цессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодекслари ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади. Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини изчил такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор алоҳида қонунлар, шу жумладан, “Жабранувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Медияция тўғрисида”, “Маъмурий судлов ишларини юритиш тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш режалаштирилмоқда. Ана шу кизгин жараёнда биз, депутатлардан ҳам алоҳида ёндашув ҳамда ташаббускорлик, жиддий масъулият талаб этилади. Қайси маънодаки, янги қонунларни қабул қилиш жараёнида фаол қатнашиб, унда партияимиз электорати манфаатларини аниқроқ акс эттиришга интилишимиз керак бўлади. Бинобарин, бугунги давр биздан ана шундай фаолликни тақозо этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

## Замонавий уйлар – истиқлол мевалари

Ушбу ҳужжатда алоҳида таъкидланганидек, бу уйлар оилаларни замонавий, сифатли, шинам уй-жой билан таъминлашга, қишлоқда янги муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашди, аҳолининг ҳаёт даражасини яхшилаш имконини беради.

Ўз тақдирим мисолида айтгандай бўлсам, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги машаққатли даврга тўғри келган аянчли болалигимни эсласам, кўз олдимдан отамнинг бир қадоқ қанд-қурс, ярим ботмон жўхори харид қилиш учун ўн чақирим узокликдаги Шовот бозорига пиёда қатнагани кичик лентасидай ўтгаверади. Ён-атрофимиздаги қишлоқларда биророрта ҳам дўкон йўқ эди. Ярим асрдан бунён савдо соҳасида хизмат қилиб келаётган киши сифатида ифтихор билан айта оламаники, мустақил мамлакатимизнинг бугунги қишлоғи ҳар жиҳатдан шаҳардан қишлоққа ўзгариб кетди.

Қарорда яшаш учун ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг замонавий, сифатли, шинам, арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш, уй-жойлар қуриш учун ажратилган турар жой массивларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва транспорт тармоқларини ривожлантириш кўзда

тутилган. Шунингдек, барпо этилаётган уйлар таннархини пасайтириш, энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни кенгайтириш, яқна тартибда уй-жой қурилиши учун имтиёзли кредитлар беришнинг аҳоли учун янада қўлай шартларини жорий этиш кўзда тутилгани нур устига аъло нур бўлибди. Бу ишларнинг ҳаммаси Ўзбекистонимиз нақадар инсонпарварлик тамойилларига асосланган, ўз фуқаролари манфаатлари ва бахту саодатини, эртанги кунини, келгуси миннатдор авлод эҳтиёжларини қўлайдиган илгор мамлакат эканлигини яна бир қарра исботлаб турибди.

Бир маҳаллар улуг бобомиз ҳазрат Алишер Навоийдек буюк зот эл шод, мамлакат обод бўлишини орзу қилган эди. Ана шундай ёруғ кунларни кўрмоқ, яшамок бахти бизларга, фарзандларимизга насиб этди. Энди эса ана шундай дориламон кунларнинг қадрига етишимиз, замонавий, шинам уйлардаги янги ҳаётга янги ҳаёт мазмун бахш этишимиз лозим.

Эркин МАТСаФОЕВ, “Хоразм-сарбон” масъулияти чекланган жамияти раиси.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими

# МАСЪУЛИЯТ

## ЁШ САЙЛОВЧИ



## Юртимиз истиқболлини ўзимиз белгилаймиз



**Ахрор НИЗАМОВ,**  
Яккабоғ озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси:

— Шу йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Президент сайловидан биринчи марта иштирок этаман. Очиги, қалбимда ҳаяжон ҳужуми. Чунки сайловда бир фуқаронинг овози ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин.

Шу ўринда айтишни истардимки, фортепиано бўйича кўлаб халқаро танловларда соҳилли ўринларни кўлга киритдим. Бу ҳам бўлса, юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар шарофати туфайлидир.

Ёшларнинг сайлов жараёнида фаол иштироки жамият демократлашуви учун муҳим омил ҳисобланади. Бугунги кунда O'zLiDeP томонидан коллежимизда ўтказилаётган кўлаб тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда Бош қўмушимиз ва қўнуларимизга ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлаш, тенгдошларимни сайлов маданиятини шакллантириш, уларнинг бу борадаги сиёсий саводхонлигини ошириш ҳамда бўлажак сайлов жараёнларида фаолликларини таъминлашга қаратилган.

O'zLiDeP Дастуридан ўрин олган талаб вазибалар биз — навқирон авлод вакилларининг орзу-интилопларига гоят ҳамоҳанг. Шу боис мен сайловда ушбу партиядан кўрсатилган номзодни кўлаб-қувватлашга қарор қилдим.



**Шаҳризода ФАРХОДОВА,**  
Шўрчи тумани иқтисодий касб-хунар коллежи ўқувчиси:

— Болалигимда уйимизга сайловга чақирув қоғози келарди. Ойимдан: "Бу нима?" деб сўраганимда "Катта бўлганимда биласан, сен ҳам ҳали овоз берадсан", дердилар. Уша пайтда тезроқ катта бўлиб қолгим, онам кирган хонага мен ҳам кириб, нималарнидир қоғозга тўлдирдим келарди.

Ниҳоят, бу йил мен ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлдим. Бу борадаги ҳуқуқларим Конституцияимизнинг 117-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра, ҳар бир сайловчи битта овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган. Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов жуда улкан сиёсий воқеа сифатида едимда қолади.

Шуни қувонч билан айтишим мумкинки, тенгқўрларимнинг аксарияти мустақил фикрлайдиган, замонавий ахборот коммуникацияларини яхши биладиган, янгиликка интилувчан, ўз билимларини амалга татбиқ этишга, иқтисоддорини тўла рўёбга чиқаришга астойдил ҳаракат қиладиган ёшлардир. Уларнинг келажagini ўйлайдиган, ёш авлодни ҳар томонлама кўлаб-қувватлайдиган, Ватанимизнинг раванги учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир энг муносиб номзод учун овоз бераман.

**Дилноза НОМОЗОВА**  
ёзиб олди.

\*\*\*  
Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасида халқаро стандартларга мос миллий сайлов тизими яратилди. Айниқса, ёшларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари йил сайин ортаётганлиги уларни сиёсий жараёнларда фаол қатнашишга ундамоқда.

O'zLiDeP Қашқадарё вилояти Кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан Қарши Давлат университети қошидаги 2-академик лицейда ўтказилган давра суҳбатига ана шу ҳақда сўз борди.

— Сайловни очкилик, кўтаринкилик ва ҳамжихатлик билан ўтказиш учун воҳамизнинг барча жойларида қизғин ҳозирлик кўриляптир, — дейди мазкур бўлим мудири Баҳодир Юсупов. — Сайловдаги штабларида билимдон ва иқтидорли ёшлар томонидан олиб борилаётган тарғибот ишларида сайловда илк бор иштирок этаётган йигит-қизларга уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилиб, сайлов қонунчилигидан хабардор этилмоқда.

— Сайлов ҳар биримиз учун ўзига хос синов вазифасини ўтайди, — дейди ўқувчи Азиз Равшанов. — Юртимизда биз — ёшларнинг пухта билим олиб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимиз учун яратилган шароитлардан мамнун ҳолда илк бор сайловда қатнашиб, муносиб номзод учун овоз бермоқчиман.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**  
"XXI asr" мухбири

\*\*\*  
Ховос тумани Гулбаҳор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ёшларнинг муносиб иштирок этиши, уларга ўз сайлов ҳуқуқлари ва бу борадаги қонун ҳужжатлари билан яқиндан таништириш мақсадида тадбир бўлиб ўтди.

O'zLiDeP Сирдарё вилоят ва Ховос тумани Кенгаши вакиллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини мас, депутатлар, БПТ раислари, ўқувчилар иштирок этган мазкур тадбирда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини ошириш, айниқса, сайловда уларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари атрофида муҳомада қилинди.

Ёш сайловчилар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништирилди.

— Коллежимизда 582 нафар талаба 8 та йўналиш бўйича тахсил олмоқда. Жорий йилнинг 4 декабрида биринчи марта сайловда иштирок этаётган ёшлар сони 181 нафарни ташкил этади, — дейди Гулбаҳор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи директори Фарҳод Атауллаев. — Бугунги тадбир ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги янада ошишида муҳим аҳамиятга эга.

**Норинисо ҚОСИМОВА,**  
"XXI asr" мухбири

## ЗАМОН ИЗЛАНГАННИКИ, ИШЛАГАННИКИ

### ЎРТА СИНФ:

# Жамиятимиз таянчи ва пойдевори

✓ Мустақиллик йилларида рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни кўриб, мушоҳада юритар эканмиз, ҳар жабҳада кечаётган жараёнларнинг тамал тоши — авваламбор юртдошларимиз дунёқарашига, онгу шуурида кечаётган ўзгаришлар билан узвий боғлиқлигига амин бўламиз. Зеро, амалга оширилаётган ислохотлар нафақат оиламиз фаровонлигига, балки фарзандларимиз келажагига ҳам дахлдор эканини барчамиз яхши англаб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳам шу сабаб жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

— Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда, — дейди O'zLiDeP Жиззах вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Ақром Шаҳаров. — Буни кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, бу борадаги мавжуд муаммо ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар мисолида яна бир бор кўришимиз мумкин. Шу кунгача соҳага оид кўлаб қонун ва қонунности ҳужжатларининг қабул қилиниши, ушбу жараёндаги муҳокамаларда электротимиз вакиллари ҳам фаол иштирок этиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришгани эса мазкур ҳужжатларнинг ҳаётлигига асос бўлди. Қолаверса, мавжуд қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш бизнинг асосий вазифамиз. Бу борада айниқса, маҳаллий Кенгашиларимиздаги депутатларимизга катта масъулият юкланган.

Бугунги кунда Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 24 нафар, туман, шаҳар Кенгашиларида 110 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Ўтган 9 ой давомида улар томонидан мутасадди ташкилотларга тадбиркорлик субъектлари манфаатларига доир 182 та депутатлик сўрови юборилиб, 43 та депутатлик йўналишида мансабдор шахсларнинг ҳисоботи эшитилди. Янги фармон эса бу борадаги фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариши, депутатларимизга катта масъулият юклаши шубҳасиз.

Ҳамсуҳбатимизнинг фикрида жон бор. Ўтган даврда вилоятда соҳа ривожига жиддий эътибор берилганини бевосита рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. Вилоят статистика бошқармаси берган маълумотда ҳудудда жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра рўйхатга олинган жами кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларининг сони 9 минг 186 тани ташкил қилди. Улар томонидан 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 63,3 фоизи ишлаб чиқарилди. Қолаверса, соҳа ривожига берилган эътибор 359 минг 400 нафар кишининг бандлигини таъминлаш имконини берди, бу эса жами иқтисодийётда банд бўлганларнинг 81,3 фоизи демакдир. Шу жумладан, банд бўлганларнинг 160 минг 900 нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 93 минг 300 нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми эса 432 миллиард 200 миллион сўмни, яъни, жами саноат ишлаб чиқаришининг 54,7 фоизи ёки 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 123,1 фоизни ташкил қилди. 828 миллиард 500 миллион сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) маҳсулотлар туфайли ўсиш суръати 105,7 фоизни ташкил қилди. Умумий инвестициялар ҳажмининг 60,3 фоизи, яъни 395 миллиард 300 миллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. 468 миллиард 300 миллион сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 94,9 фоизи) бажарилди. Автомобиль транспорти юк айланмасининг 107,4 фоиз, йўловчи айланмасининг эса 109,8 фоизга кўпайиши таъминланган.

Ҳақ шундаки, булар шунчаки статистик маълумотлар эмас. Улар замирида кўлаб одамларнинг уйқусиз тунлари, пешона тери, фидо-

корна меҳнати ётибди.

— Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашилари депутатлари, партиямиз фаоллари томонидан кичик бизнес субъектлари вакиллари ва хусусий тадбиркорлар ҳар томонлама кўлаб-қувватланмоқда, — дейди O'zLiDeP Жиззах вилояти Кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Шерзод Маматқулов. — Улар сафини янада кенгайтириш, ҳуқуқий билимларини ошириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тижорат банкларида кредит олишда кўмаклашиш шулар жумласидан. Қолаверса, партия томонидан ўтказилаётган "Тадбиркорлар мулоқоти форуми", "Мулкдор оила", "Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага" ва шу каби истиқболли лойиҳаларга ёшларни, қишлоқ жойларидаги хотин-қизларни кенг жалб этишга жиддий эътибор қаратилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу эса O'zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида олдига сурил-



ган ҳамда бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган вазибаларга ҳамоҳангдир.

Ҳар қандай фаолият яқини самараси билан қадри. Шу сабаб, O'zLiDeP томонидан муттасил ўтказиб келинаётган истиқболли лойиҳалар самараси билан ҳам қизиқдик.

— Маълумки, партиямиз томонидан ўтказилаётган истиқболли лойиҳалар турли йўналишларни қамраб олган, — дейди O'zLiDeP Жиззах вилояти Кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитов. — Мисол учун, "Диплом билан — бизнесга" лойиҳасини олайлик. Жорий йилда лойиҳанинг туман, шаҳар босқичларида, вилоятдаги мавжуд 4 та академик лицей ва 75 та касб-хунар коллежининг 19 минг 417 нафар битирувчиларидан 945 нафари фаол иштирок этди. Вилоят босқичи натижаларига кўра 100 нафар битирувчига имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар берилган бўлса, улардан 82 нафарига 774 миллион 800 минг сўм миқдорда кредит ажратилган ва шунинг ҳисобига 98 та янги иш ўрни яратилган. "Ишбилармон талаба" стипендияси кўрик-танловида эса 690 нафарга яқин ўқувчи иштирок этди. Умуман, ўтган беш йил давомида мазкур лойиҳалар доирасидаги тадбирларда 300 мингдан зиёд ёш қатнашди. Улардан 216 нафари бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шугулланмоқда. Иштирокчиларга ўз бизнесларини амалга оширишлари учун тижорат банклари томонидан 1 миллиард 435 миллион 485 минг сўмлик кредит маблағлари ажратилган.

Ҳамсуҳбатимизнинг фикрини тўлиқроқ ифода этиш учун шуни қўшимча қилиш мумкинки, O'zLiDeP томонидан ўтказилаётган истиқболли лойиҳалар ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб этишда ўзига хос

маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Чунки лойиҳа доирасида олинган билим ва кўникмалар, тажрибали тадбиркорларнинг йўл-йўриқ ва маслаҳатлари уларнинг кейинги фаолиятида жуда кўл келмоқда. Жиззах туманида истиқомат қилувчи Илҳом Тошбеков яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган шундай ёшлардан бири. "Диплом билан бизнесга" лойиҳасида фаол иштирок этган Илҳомжон ҳозирги кунда "WHITE-DRAGON" хусусий корхонасига раҳбарлик қилмоқда. Мазкур корхонада импорт ўрнини босувчи лак, бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, 5 та янги иш ўрни яратилган. Лойиҳанинг яна бир иштирокчиси Жиззахлик Махлиё Юсупова эса "Миллий кўгирчоқ" хусусий корхонасига асос солиб, юмшоқ ўйинчоқ ва миллий кўгирчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳайратли, тиниб-тинчимас Махлиё нафақат 6 нафар кишини доимий иш ўрни билан таъминлашди, балки шу кунгача 200 нафардан ортиқ шоғирдлар тайёрлашга ҳам улгурди.

O'zLiDeP Жиззах вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонасига тақдим қилинган мурожаатлар таҳлили ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш борасида ҳали кўлаб-қувватлаш амалга оширилиши лозимлигини кўрсатиб турибди.

— Қисқа вақт давомида фуқаролар томонидан 62 та мурожаат қабул қилинди, — дейди

партиянинг Жиззах вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонасига бош консултант Ақбар Якубов. — Уларнинг 7 таси қишлоқ хўжалик соҳасига, 23 таси кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига доир. Мурожаатларда нафақат муаммолар масалалар, балки уларнинг ечимига оид мулоҳазалар, кўлаб амалий таклифлар ҳам ўрин олган.

Албатта, бир мақолада вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўлиқ қамраб олиш мушкул. Негаки, соҳа ривожига дахлдор мутасадди ташкилотлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари вакиллари томонидан ҳам бу борада муттасил амалий ишлар олиб борилаётган.

Чунки ўрта синф юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, қолаверса, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдор қатламдир. Демак, улар манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятларини янада ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этиш Ўзбекистоннинг буюк келажагига, уни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга, халқимизнинг тўқ ва фаровон ҳаётига қўшилган ҳиссадир.

Дароқе, Биринчи Президентимиз алоҳида таъкидлаган "Замон изланганники, ишлаганники" деган ҳикматли ибора замирида чуқур маъно ва мазмун мужассам. Бу ҳақиқатни нафақат чуқур ўзлаштирган, балки унга қатъий амал қилиб ишлаётган кичик бизнес субъектлари вакиллари ва хусусий тадбиркорларнинг фаолияти ва фаровон ҳаёти бунга яққол исботдир.

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ**  
"XXI asr" мухбири

# ЖАРАЁН

## БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

# Инсонпарварликнинг амалдаги намунаси

✓ Қарши шаҳридаги “Грант мебель” масъулияти чекланган жамиятида тузилган бошланғич партия ташкилотиди яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Қуйи бўгин етакчиси Равшан Комилов мазкур ҳужжатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада эркинлик бериш, улар фаолиятига давлат органларининг аралашувини қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини таъминлаш, соҳани янада ривожлантириш давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилангани ишбилармонликнинг янада кенг қулоч ёзишида катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

“Офсет маркет” хусусий фирмасидаги таянч тузилмада бўлиб ўтган йиғилишда ҳам ушбу фикрлар қайд этилди.

– Тадбиркор учун ҳар бир дақиқа ганимат, у доимо изланади, – деди ушбу бошланғич партия ташкилоти етакчиси, тадбиркор Азамат Қодиров. – Очигини айтиш керак, илгари текширувлардан безиб, корхонамиз фаолиятини тўхтатган пайтимиз ҳам бўлган. 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилингани кўнгилни хотиржам этиб, дадил

одимлашимизга имкон яратади. Фармонда Олий Мажлис ҳузурида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этилиб, келгусида касбдошларимизнинг фаолияти текшириляётганда ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўқиб, жуда хурсанд бўлдим.

– Вилоятимизда жорий йилнинг ўтган олти ойида 1 минг 738 та хўжалик юритувчи субъект 204 миллиард сўмдан зиёд солиқ имтиёздан фойдаланган, – дейди партия ҳудудий Кенгаши тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Азиз Пирназаров. – 9 ой мобайнида 14 нафар тадбиркор ўз фаолиятида юзага келаятган муаммолар юзасидан шикоят қилди.

Масалан, Шаҳрисабз туманидаги “Пахлавон” тиббиёт ва ташхис марказидаги партия қуйи тузилмасига “Нилуфар” ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси раҳбари Баҳриддин Турсунов мурожаат этган. У 2015 йилда банкдан 190 миллион сўм кредит олиб, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш

ришни йўлга қўйгани, касб-ҳунар коллежларининг 8 нафар битирувчисини иш билан таъминлагани, бироқ туманда олиб бориляётган реконструкция ишлари натижасида корхона биноси бузиб ташланганини билдириб, янги бино қуриш учун ер майдони олишда амалий ёрдам беришни сўрагани. Қуйи бўгин фаоллари туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси Улоч Ярашев билан биргаликда тадбиркорга Шаҳрисабз санаят зонаси ҳудудидан 30 сотих ер майдони ажратилишига кўмаклашишди.

Касби туманида фаолият юритаётган тадбиркорлар Ихтиёр ва Комил Шоназаровлар ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда қийинчиликка дуч келишиб, “Юрт ризиқи” масъулияти чекланган жамиятида фаолият юритаётган партия таянч нуқтасига хат билан мурожаат этишган. Бошланғич партия ташкилоти фаоллари ва депутат Нарсулло Худойбердиевнинг ўзаро саъй-ҳаракати билан уларнинг банкдан 100 миллион сўм кредит олишига амалий ёрдам берилди.

Миришкор туманидаги “Осиё” фермер хўжалигида ташкил этилган қуйи бўгин йиғилишида бир гуруҳ фермерларнинг мурожаати ўрганиб чиқилди. Бошланғич партия ташкилоти раиси, депутат Бешбой Шарипов тумандаги 17 нафар фермер 27-каналдан сув олишда қийналаётгани туфайли ёрдам бериш зарурлигини билдирди. Маслақдошлар ушбу масалани ҳам ижобий ҳал этишига киришишди.

А. Пирназаровнинг маълум қилишича, жорий йил мобайнида бўлим томонидан 2 минг 451 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти ўрганилди. Уларнинг айримларини ташвишлантираётган муаммолар Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи кўмағида бартараф этиляпти. Жорий йилда 41 миллион 217 миллион сўм қийматидаги 123 та лойиҳани амалга оши-



риш устидан партия ва депутатлик назорати олиб бориляпти. Албатта, фармон ана шундай ишларнинг бекаму кўст бажарилишида катта аҳамият касб этади.

– Илгари бир ойда тўрт хил ҳисобот тайёрлардик, – дейди Косон туманидаги “Гулбоғ кўёши” фермер хўжалиги раҳбари, қуйи бўгин раиси Илҳом Давлатов. – Эндиликда ҳисоботни ҳар уч ойда электрон шаклда топширяпмиз. Бундан ўн йиллар муқаддам фаолиятимизга асосиз аралашувлар ҳам кўп эди. Текширувларнинг кўпчилиги асабимизга тегар, вақтимизни ўғирларди. Фармонда биз учун кўплаб энгилликлар баён этилган. Инсон борки, адашади. Бундай пайтларда унга оғир жазо қўллаш керак эмас. Эндиликда оқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарлик-

дан озод этилиши, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмаслиги инсонпарварликнинг ўзгинаси диди.

Айтиш жоизки, айна кунларда воҳадаги ҳар бир партия ташкилоти томонидан ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти партия электорати ва аҳоли ўртасида тарғиб қилинмоқда. Бу йўналишда қуйи ташкилотлар ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини янада яхшилаш, партиявий тадбирлар савиясини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

– Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фарон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчига айланди, – дейди Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашига О‘зЛиДеРдан сайланган депутат Абдусалим Мўминов. – Хусусий сектор сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, бозорларимиз тўқинлигини таъминлабгина қолмасдан, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшаёпти.

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI as” мухбири

## 4 ДЕКАБРЬ – САЙЛОВ КУНИ

# Муҳим сиёсий жараёнга тадорик

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида демократик талабларга ва халқаро нормаларга тўла мос келадиган, ҳар бир фуқаронинг ўз хоҳиш ва истагини эркин билдиришини кафолатлайдиган миллий сайлов тизими яратилди.

4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кунини тобора яқинлашяпти. Бўлажак сайловга тайёргарлик ишлари, унинг аҳамиятини кенг оммага тушунтириш, қуйи бўгинлар билан биргаликда жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида О‘зЛиДеР Нукус шаҳар Кенгаши томонидан шаҳардаги “Ешлар маркази” да давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда партиямиз VIII съездида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод тасдиқланганлиги ва шундан келиб чиқиб, сайлов участкаларида кузатувчиларнинг рўйхатини шакллантириш, шаҳардаги 77 та сайлов участкаларида партиянинг О‘зЛиДеР Устав ва Дастурини кенг тарғиб қилиш, хоналарни қўлланмалар билан жиҳозлаш, сайловчилар учун қулай шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Сайлов – демократия кўзгусидир. Давлатимизнинг келажги ва унинг тараққий этиши бевосита сайловлар билан чамбарчас боғлиқ, – дейди, – О‘зЛиДеР Нукус

шаҳар Кенгаши аппарати раҳбари Залзирбай Баеков.

О‘зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати

\*\*\*  
О‘зЛиДеР Сирдарё вилоят Кенгаши ходимлари ҳамда электротар вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ ташкилий ва бошқа масалаларга бағишланган йиғилиш ташкил этди.

Тадбирда О‘зЛиДеР VIII съездида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида вилоят партия Кенгашининг вазифалари белгилаб олинди. Йиғилиш мобайнида партия фаоллари 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш жараёнида таянч тузилмалар зиммасидаги долзарб вазифалар, айниқса, ҳар бир аъзонинг партиявий масъулиятини кучайтириш, сайловолди тарғибот-ташвиқоти ишларини юқори савияда ташкил этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўз мухбиримиз

\*\*\*  
Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда жорий йилнинг тўққиз ойида мазкур жамоат комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан комиссия раиси Гулнора Тўраеванинг ҳисоботи тингланди. Шу кунини “Ижтимоий шериклик: тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва

барқарор ривожланиш манбаи” мавзусида семинар-тренинг ҳам ташкил этилди.

Семинар-тренинг доирасида “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган лойиҳаларнинг аҳамияти хусусида “Истиқбол авлод” нодавлат ношароит ташкилоти раҳбари Назифа Камолова, “Ватан” спорт клуби раҳбари Собир Ҳакимовлар ўз тақдиротларини ўтказдилар. Уларда Жели-гулли маҳалласидаги болалар майдончасини қуриш бўйича грант лойиҳасини амалга оширишнинг айрим жиҳатлари, “Спорт билан ҳамнафас ёшлар” мавзусидаги давлат гранти лойиҳасининг самарали натижалари ҳақида фикр юритилди.

\*\*\*  
4-Жиззах округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида илк бор қатнашадиган ёш сайловчилар билан давра суҳбати ўтказди.

Округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Мамлакат Арипова биринчи марта сайловда қатнашаётган ёшларга ушбу муҳим жараёнда округ сайлов комиссиясининг роли ҳақида кенг тушунча берди. Ушбу округ сайлов комиссияси котиби Элдор Жабборов эса сайлов жараёнининг ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштироки ҳақида сўзлади.

Тадбир сўнгида ёш сайловчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Кўшработ туманида сафдошларимиз томонидан “Фермер – бугунги жамиятнинг энг фаол аъзоси” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

## Фермер аёллар учрашуви

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг ижроси таъминланиши фермер ва тадбиркорлик субъектларининг иш унумдорлиги янада ошишида ҳуқуқий асос бўлади, – дейди О‘зЛиДеР туман Кенгаши раиси ўринбосари Элмуҳаммад Болмонов. – Ушбу ҳужжат соҳа фаолиятига оид текширувларни қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишида муҳим дастуриямал бўлиши шубҳасиз.

Тадбирда тажрибали фермерлар ўз ютуқлари билан ўртоқлашди. – 30 гектар майдонда пахта ва галла етиштирамиз, – дейди “Чорбоғ” фермер хўжалиги раиси Жамила Зарипова. – Келгусида қорвачилик ва балиқчиликни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Мазкур фармон бундай мақсадларга эришишимизда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Дилноза НОМОЗОВА, “XXI as” мухбири

## Фикр алмашилди

О‘зЛиДеР Вобкент туман Кенгаши томонидан “Тадбиркорлик – аҳоли бандлиги гарови” мавзусида ўтказилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Давра суҳбатида фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар Дастури”дан келиб чиққан ҳолда 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга ошириладиган биринчи галдаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

О‘зЛиДеР туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Тошпўлат Рустамов, “Тошпўлат”

фермер хўжалиги раҳбари Тошпўлат Шуқуров ва бошқалар сўзга чиқиб, фармон тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши, худудларда янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни жалб қилиш имконини беришини таъкидлашди.

\*\*\*  
Қоровулбозор туманида ўтказилган “Кучли ўрта синф – мамлакатимиз раванқининг гарови” мавзусидаги тадбирда раиснинг биринчи ўринбосари Тошпўлат Рустамов, “Тошпўлат”

ликни ривожлантириш мақсадида олиб бориляётган ишлар ва бу борада ечимини кутиб қолган айрим муаммоларга қаратилди.

О‘зЛиДеР туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Фуқрат Чориев Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар, фармон ва қарорлар мамлакатимизда ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг даромадлари ошишига имкон яратганини, бугунги кунда туманда фаолият олиб бораётган 200 дан ортиқ фермер ва 300 га яқин тадбиркорнинг асосий мақсади эл-юрт маъмуричилиги йўлида олиб бориляётган ишларга муносиб ҳисса қўшишдан иборат эканлигини алоҳида эътироф этди.

Асхор ИСТАМОВ, “XXI as” мухбири

## Фаровонлик сари дадил қадам

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг таъминланиши фермер ва тадбиркорлик субъекти вакиллари ва кенг жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланмоқда.

О‘зЛиДеР Навоий вилояти ҳудудий партия ташкилоти тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ташкил этилган давра суҳбати иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан янада яхшилаш – иқтисодий барқарор ўсиш ва жамият фаровонлигининг кафолати эканлигини таъкидлашди. Парламент қуйи палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Ўткир Турсунов ҳамда вилоят Адлия бошқармаси тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Ҳамидулла Саъдуллаев қайд этганидек, ушбу фармон талабларининг келгусида тўлақонли бажарилиши, хусусан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини камайтириш, текширишларни қисқартириш, пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқининг таъминланиши соҳанинг янада ривожланишига туртки бўлади. Натижада, хусусий корхоналарнинг янги ички маҳсулотдаги улушини янада ортиб, аҳоли доимий иш билан таъминланади ва халқимиз турмуш фаровонлиги бундан яхшиланади.

Ўз мухбиримиз


## ИМКОНИЯТ

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРИ

## Ҳалол меҳнат қадрри

ёхуд избосканлик фермер Роҳатбек Тўйчиев сийратига айрим чизгилар

✓ Очиғи, андижонлик бу фермер билан тасодифан танишиб қолдик. O'zLiDeP фаоли сифатида партиянинг сайловолди тадбирларидан бирига таклиф этилган экан. Пўрим кийинган, бўйнида замонавий бўйинбоғ. Мана, зинапоя фойесиди ёнма-ён суҳбатлашиб турибмиз. Тушлик ҳам аллақачон тугаган. Куз кўеши кўкдан илиқ нур сочади.



ди суҳбатдошимиз. — Ер билан тиллашиши чидаганга чиқарган. Зеро, ерни алдаб бўлмади. Кўпни кўрган ота-боболаримиз ҳам бунини кўлгошимизга қўйишган. Сирасини айтганда, биз эришаётган барча муваффақиятлар замирида ҳам ҳалол меҳнат ётади. Шунинг орқасидан рўзгор тебратаямиз, бола-чақа боқаямиз, замонавий уй-жойлар қураямиз. Хуллас, бугун қўлимизни қайёққа узатсак ётади. Деҳқоннинг рўшнолик кўргани шу-да. Ҳали уйлаган, мўлжаллаган режаларимиз кўп...

Тўғриси, аввалига бир оз иккиландим. Чунки бу соҳада етарли малака ва тажрибам йўқ эди. Лекин умидсизликка тушмадим. Нега десангиз, Биринчи Президентимизнинг 1991 йил 29 ноябрдаги “Республикада деҳқон (фермер) хўжалиқларини янада мустақкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони, кейинроқ қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар орқали соҳа тараққиёти учун кенг йўл очилганлиги

ойдек равшан эди. Улар билан синчиқлаб танишган, ўз-ўзимга бўлган ишонч янада мустақкамланди. Қолаверса, мулкчилик субъектлари давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Яна нима керак?

Ҳозирги кунда биргина туманимизнинг ўзида 586 та фермер хўжалиги иш олиб бормоқда. Шундан 271 таси пахтачилик ва галлачиликка ихтисослаштирилган. Улар сафида “Избоскан шоналари”нинг ҳам муносиб ўрни бор, албатта. Дала-деҳқончилик ишларини амалга ошириш учун куч ва имкониятлар етарли, замонавий техника воситалари ҳар қандай мушқуллимизни осон қилмоқда. Яширишнинг ҳолати йўқ; баъзан бир парча томорқани эплаганга ҳафсаламиз етмайди. Биз эса ирода кучи ва уза-ро ахиллик орқали қисқа мудат — тўққиз йилда кўп тармоқли фермер хўжалигини тула оёққа қўйишга эришдик. Буни мақтанаш учун айтаётганим йўқ. Дала-нинг ташвишларини бошидан ўтказган

блади. Айниқса, ҳар кун ер билан “тиллашади”ган фермер деҳқончилик сирларини чуқур ва пухта билмас, замонавий рақобатлик лаёқатига эга бўлмас экан, доғда қолиши тайин. Ҳаётда шунга ўхшаш мисолларни ҳам учратаямиз. Бахт, омад осмондан тушмайди. Ўз тақдирини ўзи белгилашга чоғланган киши енг шимариб ишлаши, эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмаслиги лозим. Ҳаракатда — баракат, дейдилар-ку.

Фермер укамиз жўшиб гапиряпти-ю, мен бўлсам, унинг виқор ва ишонч балқиб турган ўктам қиёфасига тикиламан. Аслида шунинг ўзи ерга, мулкка эгалик туйғусидан шукроналик ифодаси эмасми? Олтин камбўлиги учун қадрланади. Янги замон нафақат одамлар тақдирини, балки уларнинг тафаккури, онгу шуурини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Кечаги ва бугунги ҳаёт тарзими хаёлан солиштирар эканмиз, “Ким эди, ким бўлди?” деган саволга одилона жавоб топгандек бўламиз. Роҳатбек каби фидойи, тиниб-тинчимас инсонлар ана шу бунёдкорлик ҳаракатининг сарчашмасида турганлиги аниқ. Улар фидокорона меҳнат орқали нафақат ўзларини, балки эл-улусни ҳам бойитишмоқда, дастурхонига кут-баракат киритишмоқда. Аслида шунинг ўзи юртпарварликдан бир нишондир.

— Сизни яна нималар қизиқтиради, ака, бемалол сўрайверинг, — дейди Роҳатбек шошилаётганини сездирмай. — Ишларим битди, насиб этса кечгача уйга етиб оламан. Бир ёқда далада ишлар айна қизган палла. Ҳар кун ҳисобли, осмонга қаранг, қовоғи уйилляпти...

Шундагина мен унинг икки кун ичида қадрдон даладини соғиниб қолганини ҳис этдим. Аслида бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Ҳар қандай дарахт илдизидан қувват олади. Фидокорона меҳнати орқасидан мўл-кўлчилик яратётган Роҳатбек ва минг-ла роҳатбекларнинг ҳам илдизи далада. Акс ҳолда уларнинг доверги доvon ошмаган, мулкига мулк қўшилмаган бўлар эди.

Мана, энди ниҳоят, Андижон вилоятидаги “Избоскан шоналари” фермер

хўжалигининг фаолияти хусусида батафсилроқ тўхталсак бўлади. Мавжуд 72 гектар экин майдонининг 32 гектари галлачилик, 25 гектари пахтачилик учун ажратилган. Боғдорчилик ва асаларичилик ҳам изчил ривожлантирилмоқда. Жорий йилда 126 тонна сара дон тайёрланиб, давлат режаси мuddатидан олдин уддаланибди. Қолгани ишчи-хизматчилар ўртасида тенг тақсимланибди. Пахтачилик соҳасидаги натижалар ҳам тилга олса арзулик. “Ҳар гектар ер ҳисобига 35 центнердан сифатли хомашё етиштирилди ва белгиланган режа биринчи терминнинг ўзидаёқ уддаланди”, дейди суҳбатдошим кўвониб.

Боғ-роғлардан ҳам мўл ҳосил етиштирилган. Куз офтобиди етилиб пишган олмаю лимонлар, таъми тилни ёрадиган хусайни, қора жанжал, тоғйи, чарос навли узуллар асосий даромад манбаига айланганлигига шубҳамиз йўқ. Илғор тажрибаларни амалиёт билан уйғуллаштириш орқали асаларичиликни ҳам сердаромад соҳага айлантиришга эришилмоқда. Булар ҳар бирнинг замирида юрак ҳарорати, ташаббускорлик, жамоа аъзоларининг касбга ва бурча бўлган садоқати ётади, десак ишонаверинг. Мўминжон Тўйчиев, Қажрамон Алиев, Алижон Гибсов, Солижон Мамадиёрова ўхшаган фидойиларнинг ҳар бири ўзича бир олам. Лекин уларни ердан ризқ-рўз ундиришдек зғу тилак бир мақсад атрофига жипслаштирилган. Шу боис қалб амрига қулқоқ тутиб, бободехқон шаънини собитқадамлик билан улуғлаб келишмоқда.

Қўлчиликнинг дуоси қўл бўлади, дейдилар. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутаты, O'zLiDeP аъзоси Роҳатбек Тўйчиев ҳам элнинг дуосини олиб, кам бўлаётгани йўқ. Топган даромади ҳисобидан серфарзанд оилалар, яққа-ёлғиз қарияларга имкон қадар ердан кўрсатяпти. Бунинг савобига нима етсин. Орзули дунё-да. Қишлоқ мулкдори кундалик ташвишлар билан нечоғлик банд бўлмасин, изланишдан тўхтамайди. Жумладан, хоридан янги технологияларид қилиш ва мева-чевани қайта ишлашга мўлжалланган замонавий цех барпо этишни режалаштирмоқда. Ана шунда яна ўнлаб қўшимча иш ўринлари яратилиши имкони тугилди. Мақсад фермер хўжалиги иқтисодий янада мустақкамлаш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини оширишга муносиб ҳисса қўйишдир.

Элда обрў-эътибор, қадр топаётган Роҳатбек Тўйчиевга чин юракдан орзу-армонларингиз ушалаб, ҳалол меҳнатингиз роҳатини кўраверинг, дейми.

Носир ТОШЕВ,  
“XXI asr” мухбири

## ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

✓ Дунёда ҳар қайси касб-хунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиммати бор. Аммо улар орасида инсон саломатлигини асрашдек масъулиятли касб эгалари борки, бу соҳа вакилларини қадрлаш ва ёзозлаш шарафли вазифадир. Тошкент фармацевтика институтида малакали доришunos мутахассисларни тайёрлашда ўз хиссасини қўшаётган жонкуяр устозлар кўп. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор С. Аминов ва профессорлар О. Шобилолов, А. Каримов, Х. Комилов, М. Тожиев, З. Назарова, Х. Зайнутдинов, доцентлар А. Абзалов, Қ. Убайдуллаев, Н. Суюндиқовлар ёшларга сабоқ бериб, уларнинг билим ва тажрибалари кенгайишида астойдил меҳнат қилиб келишмоқда.

## Илму маърифатга улкан эътибор

Ҳар бир устознинг айтар сўзи, ёшларга таълим-тарбия беришида эса ўз услуби бор. Улар билан суҳбатлашар экансиз, бамисоли илм сарчашмаларидан баҳраманд бўлгандек, туганмас илм уммонига саябат қилгандек бўласиз. Қачонки, шоғирдаларга устоз меҳри ва эътибори бўлакча экан, уларнинг интилишлари, изланишлари, иқтидорлари намён бўлади. Пировадидан бундан жамият ҳам, одамлар ҳам наф кўради.

Республикамизда жадал суъратлар билан ривожланиб бораётган фармацевтика соҳаси кадрлар малакасига қўйиладиган талабаларни ҳам қўриб чиқишни таъжоз этмоқда. Юртимизни фармацевтика кадрлар билан таъминловчи ягона олий таълим муассасаси — Тошкент фармацевтика институтида бугунги кун амалиёти талабалари асосида янги таълим йўналишлари, мутахассисликлар ташкил этилмоқда. Ушбу жараён замонавий технологиялар, бошқарув тизими, таҳлил услубларини ривожлантириш, таълим стандартларини ҳам такомиллаштиришни назарда тутмоқда.

Ҳозирда мазкур даргоҳнинг 14 та кафедрасида 210 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатиб, уларнинг 32 нафари профессор ва фан доктори, 101 нафари доцент ва фан номзодлари, бир нафари “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби”, 17 нафари “Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочилиси” ва бир нафари “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими” бўлиб, улар 1 минг 735 нафар талабага таҳсил беришмоқда.

Айтиш жоизки, “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури мақсадларини рўёбга чиқариш, мамлакат иқтисодий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника ва технология ютуқлари, мутахассислар тайёрлаш борасида халқаро ривожланиш тамойилларидан келиб чиқиб, иқтисодийёт соҳаларининг модернизациялашуви шароитида истеъмолчиларнинг талабларини олий таълим тизимига тезкор жорий этилиши учун тегишли шароитлар яратиш, давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида амалдаги фармацевтика оғд таълим йўналишлари, ўқув режа ва фан дастурларини хоржий ривожланган давлатлардаги фармацевтика таълими билан қиёсий таҳлил қи-

лиш асосида меъёрий ҳужжатлар халқаро андозаларга мос равишда такомиллаштирилди.

Институт ҳузурида илмий кенгаш ташкил этилган бўлиб, охириги 15 йилда 120 дан ортик диссертация ҳимоя қилинди. Бугунги кунга келиб, институт ходимлари томонидан тўртта илмий-амалий, учта инновацион ва битта ёш олимлар гранти бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биргина 2015 йилнинг ўзида институт олимлари томонидан халқаро ва нуфузли журналларда 155 та мақола ва 377 та маъруза, 8 та монография, 5 та услубий қўлланма чоп этилди ва 6 та ихтирога патент олинди.

Институт ректори, профессор А. Юнусжўяев ташаббуси билан иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий салоҳиятини янада шакллантириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида илмий, бадий ва ижодий ҳамда спорт тўғрисидаги фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, талабаларни турли танлов ва мусобақалардаги иштироки йилдан йилга ошмоқда.

Илм даргоҳимиздаги дори воситаларини стандартлаш илмий маркази, фармакологик тадқиқотлар лабораторияси, кимё, фармакогнозия, токсикология каби замонавий лабораторияларда илмий ходимлар, талабалар ўз илмий ишланмаларини олиб боришади. Доривор ўсимликлар тажриба участкаси ва “Чимён” ўқув амалиёт базасида бир иқлим шароитида яшайдиган доривор ўсимликларни бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштиришнинг дастлабки босқичи амалга оширилади ва грант лойиҳалари бажарилади. Улар замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

“Илм мартабаси мартабаларнинг афзалидир”, деган гап шубҳасиз тўғридир. Қаерда илму маърифатга эътибор кучли бўлса, уша жойда бахт ва маънавият гуллаб-яшнади. Бу йўлда тинимсиз изланишда, ҳаракатда бўлган ёшлар шубҳасиз қўзлаган мақсадларига эришадилар.

Нигора АШУРОВА,  
Тошкент фармацевтика институти тиллар кафедраси ўқитувчиси  
Арофат АБДУРАИМОВА,  
Маънавият ва маърифат бўлими ходими

## Янги корхоналар

ёшларга қанот бўлмоқда

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойда Самарқанд вилоятида sanoat махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5 триллион 432 миллиард 500 сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,7 фоизни ташкил этди.

— Бундай ютуқларга эришишимизда даслат дастурлари катта омил бўлмоқда. Хусусан, вилоятда жорий йил сентябрь ойига қадар умумий қиймати 282 миллиард 800 миллион сўмлик 363 та лойиҳа амалга оширилиб, 5 миң 441 та янги иш ўрни яратилди, — дейди Самарқанд вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Азамат Туранов. — Лойиҳаларда қурилиш, озиқ-овқат, энгил sanoat, чарм-поябзал каби турли хилдаги sanoat махсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Жумладан, Пастдаргом туманидаги “Самарқанд протеин эффект” масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа

қиймати 10 миллиард 700 миллион сўм бўлган протеин, яъни, қўшимча озука моддаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, 50 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Каттақўрғон шаҳрида фаолият юритаётган “Шамсиддин Бибиҳоним” масъулияти чекланган жамиятида эса янги лойиҳага қўл урилгани туфайли қиймати 3 миллиард 500 миллион сўм бўлган қандалот махсулотлари цехи ишга тушди ва 25 та янги иш ўрни яратилди.

Тойлоқ туманидаги “Улугбек Шавкат Мирмуҳсинович” масъулияти чекланган жамиятида тикувчилик махсулотлари тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилиб, туман ёшларидан 20 нафарининг иш билан таъминланди.

Айтиш мумкинки, давлат дастурларининг амалдаги ижроси ҳудудларнинг янада обод ва фаровон бўлиши, иқтисодийётнинг ривожини, умуман, ҳаётимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда.

Муҳаббат РАВШАНОВА,  
“XXI asr” мухбири

## Солиқ имтиёзлари:

тадбиркор учун таянч

Мамлакатимизни барқарор иқтисодий ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти беқиёс. Яратилган қулай тадбиркорлик муҳити маҳаллий хомашё асосида махсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кўпайишига имкон бермоқда.

Мазкур субъектларда солиқ имтиёзларининг қўлланиши эса тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, махсулот ҳажми ва сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, қўлланилаётган солиқ имтиёзлари туфайли ҳар йили тадбиркорлик субъектлари томонидан катта миқдорда маблағ тежаб қолинмоқда.

Масалан, Жарқўрғон туманидаги “Nortex Style” масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ушбу субъект 2015 йилда 26 миллиард сўмдан ортик калава ип ишлаб чиқарди. Махсулотларнинг асосий қисмини Хитой, Россия ва Туркияга экспорт қилди. Аини пайтда бу кор-

хонада 195 нафар киши доимий иш билан банд. Жорий йилнинг шу даврига эса 3 миң 500 тоннага яқин махсулот ишлаб чиқарилди.

Таъкидлаш жоизки, корхона томонидан амалга оширилаётган бизнес лойиҳаларни рўёбга чиқаришда мамлакатимизда яратилаётган имконият ва солиқ имтиёзлари муҳим ўрин тутмоқда. Эътиборлиси, қонунчилигимизда белгиланган имтиёзлар туфайли ўтган йили 2 миллиард 300 миллион сўм, жорий йилнинг шу даврига қадар 1 миллиард 128 миллион сўм маблағ корхона ихтиёрига қолдирилди. Бу эса моддий базани ривожлантириш, янги иш жойлари яратишга шароит туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони эса соҳа ривожини йўлида янги имкониятлар эшигини очиши, шубҳасиз.

Илёс РАҲМАТОВ,  
Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари

## РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

# Qishloq Qurilish Bank

# Молиявий барқарорлик сармояларга замин яратмоқда

✓ Халқимиз топиб айтган: пул бўлса, чангалда шўрва. Йиллар синовидан ўтган бу аён ҳақиқатни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Бозор иқтисодиёти ўз қонуниятлари асосида ривожланади. Истаймизми-йўқми, тараққиёт йўлидаги ҳар қандай хайрли иш, эзгу ташаббус етарли сармоявий заминга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда хом хаёлгича қолаверади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилиб, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, жумладан, тижорат банкларининг ликвидлилик, тўловга қобилиятлилик, жозибдорлик даражасини оширишга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилмоқда. Фикримизнинг исботини “Қишлоққурилишбанк” акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.



Бозор иқтисодиёти ўз қонуниятлари асосида ривожланади. Тараққиёт йўлидаги ҳар қандай хайрли иш, эзгу ташаббус етарли сармоявий заминга эга бўлиши лозим. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилиб, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, жумладан, тижорат банкларининг ликвидлилик, тўловга қобилиятлилик, жозибдорлик даражасини оширишга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилмоқда. Фикримизнинг исботини “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айни кунда мажбур молия муассасаси таркибидан 42 та филиал, 48 та минибанк, 185 та шохбеча бўлиб, улар орқали юридик ва жисмоний шахс мақомидаги 720 мингдан ортиқ мижозларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Банкнинг жами капитали йил бошига нисбатан 473 миллиард 700 миллион сўмга ошди, кўрсатилган хизматлар кўлами ва турлари янада кенгайди.

Банкнинг соф активлари йил бошига нисбатан 1 триллион 71 миллиард 400 миллион сўмга ёки 25,3 фоизга кўпайиб, айни пайтда 5 триллион 312 миллиард 800 миллион сўмни ташкил этмоқда. Банк активлари таркибидан фойдаланувчи активларнинг улуши 88,5 фоизга етди. Уларнинг миқдори, даромадлигини янада ошириш диққат марказида турган масалалардан биридир.

“Қишлоқ қурилиш банк” тузилмалари томонидан ҳудудларда замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, модернизациялаш жараёнларини чуқурлаштириш, оилавий бизнес, якка тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар миқдори оширилиб, аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига кенг жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Кредит ажратишда ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдирishга хизмат қиладиган истиқболли лойиҳаларни биринчи навбатда молиялаштиришга устуворлик берилмоқда.

Ҳаракат ва изланиш янги-янги ютуқларга йўл очаётир. Мижозлар билан ишончли ва мустаҳкам ҳамкорлик самараси ўлароқ, ажратилган кредитлар 963 миллиард 100 миллион сўмга ошди, жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига 4 триллион 601 миллиард 900 миллион сўмдан ошди. Кредит қўйилмаларининг 206 миллиард 330 миллион сўми сано-

ат, 241 миллиард 723 миллион сўми савдо ва умумий овқатланиш, 139 миллиард 225 миллион сўми қурилиш ва транспорт, 115 миллиард 224 миллион сўми қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш учун ажратилиб, қолгани имтиёзли ипотека кредитлари ва бошқа мақсадларга йўналтирилди.

Таъкидлаш жоизки, турмуш фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутадиган кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, айниқса, тижорат банклари томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўплаб юртдошларимизнинг орзусига қанот бўлмоқда. Ана шу мақсадлар учун ажратилган кредит сармоялари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 182 миллиард сўмга ошиб, жами 672 миллиард 328 миллион сўмни ташкил этмоқда. Энг муҳими, банкнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш орқали хизмат сифати ва маданиятини оширишга эришилди. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ижтимоий фаол фуқароларга ўтган қисқа давр мобайнида 192 миллиард 500 миллион сўм миқдоридан кўпроқ микрокредит ажратилди. Мақсад ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини оширишга муносиб ҳисса қўшиш банк кредит сиёсатидаги устувор мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 9 февралдаги “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қароридан ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқилиб, шу асосда ичкилик билан иш олиб борилаётир. Хусусан, аёлларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш, маънавий шароитларини яхшилаш, қишлоқ жойларида сервис хизматини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш диққат марказида тўтилаётир. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида юқоридаги мақсадлар учун 53 миллиард 202 миллион сўм миқдоридан кредит, жумладан, ёш оилаларга жами деярли 64 миллиард сўм ҳажмда истеъмол ва ипотека кредити ажратилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, уларнинг куч ва иқтидоридан мақсадли фойдаланиш бугунги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиқилиб, мустақил ҳаёт оstonасида турган ёш,

навқирон йигит-қизларга жами 22 миллиард 238 миллион сўм микрокредит берилди. Янги ташкил этилаётган мулкчилик субъектлари, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолияти ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ўтган қисқа давр мобайнида ушбу соҳалар тараққиёти учун деярли 35 миллиард 400 миллион сўм миқдоридан сармоя йўналтирилди. Шуларнинг ўзи банкнинг тўлов қобилияти ва ликвидлилик даражаси ошиб бораётганидан далолатдир.

Сир эмас, бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш, ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларида барча қулайликларга эга бўлган янги ва замонавий уй-жойлар қуриш тобора кенг кўлам касб этмоқда. Аслида ислохотларнинг тўб моҳиятида ана шундай эзгу мақсадлар ётади. Ўтган муддат давомида иқтисодиётнинг устувор соҳаларига 306 миллиард 800 миллион сўмдан ортиқ инвестиция сармоялари киритилди ва шу ҳисобдан хўжалик субъектларининг бир қатор истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 29 январдаги “2016 йилда уй-жой массивлари қурилиши Дастури ва қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жойлар қурилиши индустриал базасини янада ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, республиканинг жори йилда 151 та қишлоқ туманида 13 мингта янги турар-жой барпо этиш режалаштирилган. Шундан 8 минг 512 таси “Қишлоққурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан молиялаштирилиши керак. Бу борадаги ташкилий ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Жумладан, банк томонидан молиялаштирилаётган янги ҳовли-жойлар қурилиши учун фуқароларнинг бевосита иштирокида 416 миллиард 500 миллион сўм миқдоридан бошлангич бадал маблағлари тўлиқ шакллантирилди.

2016 йилги инвестиция дастурига мувофиқ, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳа асосида якка тартибда уй-жой қуриш ва қўшимча инфратузилма объектларини молиялаштириш учун Ислон тараққиёт банки ва Саудия тараққиёт жамғармаси

маблағларини кенг жалб этиш режалаштирилган. Бу йўналишдаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мана, бир мисол. Ислон тараққиёт банкининг 20 миллион 610 минг АҚШ доллари миқдориданги сармоялари Тошкент вилоятида барпо этилаётган янги уй-жойлар қурилиши учун жалб қилинди ва ҳозиргача шунинг 15 миллион 850 минг АҚШ доллари тўлиқ ўзлаштирилди. Саудия тараққиёт жамғармасининг 60 миллион доллар ҳажмидаги маблағлари ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қишлоқ ҳудудларида 1 минг 627 та замонавий ҳовли-жой барпо этиш кўзда тутилган. Ўзаро ишончга асосланган манфаатли ҳамкорлик қутулган натижа бермоқда. Саудия тараққиёт жамғармасининг 33 миллион 300 минг доллар ёки 98 миллиард 500 миллион сўм миқдориданги сармоялари бугунгача тўлиқ ўзлаштирилган ҳам фикримизни тасдиқлайди.

“Қишлоқ қурилиш банк” тизимида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш, банк депозитлари таркибидан муддатли ва жамғарма омонатлар салмоғини ошириш, хизматлар бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк муассасаларига пул маблағларини янада кўпроқ жалб этиш мақсадида 35 та доимий омонат турлари жорий қилинган. Шундан 25 таси миллий, 10 таси хорижий валютадаги омонат турларидир. Жорий йилнинг ўтган даврида фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида юқори фоизли “Коммунал”, “Коммунал тўлов”, “Тежамкор” каби мақсадли омонат турлари йўлга қўйилиб, уларга ҳисобланган фоизлар асосан аҳолининг уй-жой коммунал тўловлари учун йўналтирилмоқда.

Кейинги йилларда банк пластик картчаларидан фойдаланиш орқали ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, хусусан, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартиришга эришилмоқда. Буни “Қишлоқ қурилиш банк” тажрибаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирда муомаладаги банк пластик картчаларининг жами сони 593 минг, терминаллар миқдори эса 10 минг 728 тани ташкил этади. Энг муҳими, терминаллар тармоғини кенгайтириш ва улардан мақсадли фойдаланиш эвазига банк ҳисоб рақамига ўтказилаётган

тўловларнинг бир неча баробарга ошгани кузатилмоқда. Банкнинг “VRKART-EMV” тўлов тизимини такомиллаштириш, “online” режимига асосланган “Smart-Vista” картчаларини муомалага киритишни жаддаллаштириш, шу орқали банк фаолиятини замон талабига тўла мувофиқлаштириш кўзда тутилмоқда. Яна бир муҳим янгилик: яқинда пластик картчалардан фойдаланувчилар учун тўловларнинг замонавий тури – “P2P” хизмати йўлга қўйилди. “Онлайн” режимига асосланган ушбу хизмат тури куннинг исталган пайтида тегишли маблағни бир жисмоний шахснинг пластик картчасидан иккинчи шахснинг пластик картчасига махсус сайтлар, мобил иловалар орқали ўтказиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, изланишда ҳикмат кўп. Ҳозирги пайтда молия муассасасида “SMS-банкнинг”, “Интернет-банкнинг”, “Мобил-банкнинг”, “Корпоратив интернет банкнинг” номли истиқболли хизмат турлари йўлга қўйилган бўлиб, улардан фойдаланаётган жисмоний ва юридик шахслар сафи тобора кенгаймоқда. Банкнинг барча филиаллари “Germes” электрон ҳужжат айланиш тизимига уланган.

“Moody’s Investors Service” халқаро рейтинг агентлиги томонидан 2016 йилнинг 20 майда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”ка контрагент risksини баҳолаш бўйича В1 рейтинг даражаси, банкнинг миллий валютадаги узоқ муддатли депозитлари бўйича В2 ҳамда молиявий барқарорлик бўйича В3 рейтинг даражасини берди. Барча рейтинглар истиқболли “Барқарор” деб эътироф этилди.

Шунинг ўзи банк фаолияти тобора кенг кўлам касб этиб, унинг дунёвий нуфузи ошиб, мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлардаги иштироки янада фаоллашиб бораётганидан далолат беради. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, мавжуд молиявий захираларни қўшимча манбалар ҳисобига янада бойитиш навбатдаги асосий вазифадир. Бунга эса жамоавий изчил ҳаракат ва ташкилотчилик, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифати ва маданиятини янада ошириш орқали тўла эришиш мумкин.

**Банк ахборот хизмати материаллари асосида Носир ТОШЕВ тайёрлади**

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	2346,59	1 АҚШ доллари	3083,96	1 Хитой юани	455,30	1 Польша злотийси	774,18	1 ЕВРО	3388,35
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 25 октябрдан бошлаб вақтинча операциялари бўйича бугунги кундаги, статистик ва бошқа ҳисоботлари қисқич, шунингдек, бошқа на бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан кўнраги қийматини белгилади	1 Англия фунт стерлинги	3762,12	1 Миср фунти	347,30	1 Россия рубли	49,38	1 СДР	4235,91	10 Жанубий Корея вони	27,15
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.	1 Дания кронаси	450,59	1 Исландия кронаси	26,86	1 Украина гривнаси	120,17	1 Туркия лираси	1001,87	10 Япония иенаси	296,82
	1 БАА дирхами	839,63	1 Канада доллари	2310,43	1 Малайзия ринггити	737,79	1 Швейцария франки	3102,58		



# ФАОЛИЯТ

## “KOCNHMAS MULK SAVDO XIZMATI” MCHJ NAVOIY VILOYATI FILIALI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

44 Давоми. Бошлангиш 8-сифада

69. Бир қаватли “Пойабзал таъмирлаш устaxonаси” биноси қуриш учун Нурота тумани Миришкор МФЙ У. Юсупов кўчаси худудидан қурилиш майдони 30 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 20 550 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 15 000 000 сўм.

70. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Нурота тумани Ибн Сино МФЙ У. Юсупов кўчаси шимолий худудидан қурилиш майдони 60 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 41 100 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 30 000 000 сўм.

71. Бир қаватли “Ҳолатхона” биноси қуриш учун Нурота тумани Ибн Сино МФЙ У. Юсупов кўчаси шимолий худудидан қурилиш майдони 60 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 41 100 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 30 000 000 сўм.

72. Бир қаватли “Ер ости тик қудуқларини таъмирлаш устaxonаси” биноси қуриш учун Нурота тумани Гафур Гулом МФЙ С. Сиддиқов кўчаси шимолий худудидан 600 кв. м., шундан қурилиш майдони 270 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 411 000 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 60 000 000 сўм.

73. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Нурота тумани Турко МФЙ Ш. Рашидов кўчаси жанубий худудидан қурилиш майдони 135 кв. м. дан иборат 1-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 92 475 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 55 000 000 сўм.

74. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Нурота тумани Турко МФЙ Ш. Рашидов кўчаси жанубий худудидан қурилиш майдони 135 кв. м. дан иборат 2-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 92 475 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 55 000 000 сўм.

75. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Нурота тумани Турко МФЙ Ш. Рашидов кўчаси жанубий худудидан қурилиш майдони 135 кв. м. дан иборат 3-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 92 475 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 55 000 000 сўм.

76. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Нурота тумани Турко МФЙ Ш. Рашидов кўчаси жанубий худудидан қурилиш майдони 135 кв. м. дан иборат 4-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 92 475 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 55 000 000 сўм.

77. Бир қаватли “Савдо дўкони” биноси қуриш учун Нурота тумани Турко МФЙ Ш. Рашидов кўчаси жанубий худудидан қурилиш майдони 135 кв. м. дан иборат 5-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 92 475 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 55 000 000 сўм.

78. Бир қаватли “Тайёр мебелларни ясаш ва йиғиш цехи” биноси қуриш учун Нурота тумани З. Судар МФЙ худудидан 640 кв. м., шундан қурилиш майдони 280 кв. м. дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 438 400 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 75 000 000 сўм.

79. Бир қаватли “Тошни қайта ишлаб чиқариш цехи” биноси қуриш учун Нурота тумани Нурфахр МФЙ худудидан 1000 кв. м. дан иборат 1-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг ми-

нимал қиймати – 836 322 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 100 000 000 сўм.

80. Бир қаватли “Тошни қайта ишлаб чиқариш цехи” биноси қуриш учун Нурота тумани Нурфахр МФЙ худудидан 1000 кв. м. дан иборат 2-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 836 322 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 100 000 000 сўм.

81. Бир қаватли “Тошни қайта ишлаб чиқариш цехи” биноси қуриш учун Нурота тумани Нурфахр МФЙ худудидан 1000 кв. м. дан иборат 3-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 836 322 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 100 000 000 сўм.

82. Бир қаватли “Тошни қайта ишлаб чиқариш цехи” биноси қуриш учун Нурота тумани Нурфахр МФЙ худудидан 1000 кв. м. дан иборат 4-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 836 322 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 100 000 000 сўм.

83. Бир қаватли “Тошни қайта ишлаб чиқариш цехи” биноси қуриш учун Нурота тумани Нурфахр МФЙ худудидан 1000 кв. м. дан иборат 5-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 836 322 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 100 000 000 сўм.

84. Бир қаватли “Тошни қайта ишлаб чиқариш цехи” биноси қуриш учун Нурота тумани Нурфахр МФЙ худудидан 1000 кв. м. дан иборат 6-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 836 322 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 100 000 000 сўм.

85. Бир қаватли “Тошни қайта ишлаб чиқариш цехи” биноси қуриш учун Нурота тумани Нурфахр МФЙ худудидан 1000 кв. м. дан иборат 7-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 836 322 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 100 000 000 сўм.

**Талабгорларнинг конвертлари Навоий вилояти ҳокимлиги биноси мажлислар залида 2016 йил 9 декабрь куни соат 15:00 дан бошлаб очилади ва таклифи энг яхши деб эътибор этилган талабгор галиб деб топилади. Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2016 йил 7 декабрь куни соат 16:00 да тўхтатилади.**

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳажми туман ва шаҳар архитектура бўлиmlлари томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

**Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш** – билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

**Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган танлов куниди сотилмаган тақдирда, навбатдаги танлов савдолари** – 2016 йил 9, 16, 23, 30 декабрь, 2017 йил 6, 13, 20, 27 январь, 3, 10, 17, 24 февраль, 3, 10, 17, 24 март, 7, 14, 21, 28 апрель, 5, 12, 19, 26 май, 2, 9, 16, 23, 30 июнь кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Навбатдаги танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш** – 2016 йил 7, 15, 29 декабрь, 2017 йил 5, 12, 19, 26 январь, 2, 9, 16, 23 февраль, 2, 9, 16, 23 март, 6, 13, 20, 27 апрель, 4, 11, 18, 25 май, 1, 8, 15, 22, 29 июнь кунлари соат 16:00 да тўхтатилади.

**Навбатдаги танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар** – Навоий вилояти ҳокимлиги биносиди 2016 йил 9, 16, 23, 30 декабрь, 2017 йил 6, 13, 20, 27 январь, 3, 10, 17, 24 февраль, 3, 10, 17, 24 март, 7, 14, 21, 28 апрель, 5, 12,

19, 26 май, 2, 9, 16, 23, 30 июнь кунлари соат 15:00 дан бошлаб очилади ва белгиланган тартибда танлов галиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ “Ипотека банк” Навоий шаҳар филиалидаги: МФО 00205, СТИР 207122519, 2020800050492060907 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг ярим баробари миқдоридидаги ҳаз завазига олади.

**Талабгорлар бюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

✓ юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✓ жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

✓ танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

✓ танлов ҳужжатлари талабгорларга мувофиқ тузилган муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Навоий вилояти Навоий шаҳри Жасорат (П. Очилов) кўчаси 24-уй.

Телефон: (0-436) 224-15-61, 22-4-44-01. user07@inbox.uz. www.1kms.uz.

16-224

Лицензия: RR – 0001.

### РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

## Самарқанднинг дунёга манзур маҳсулотлари

✓ Самарқанд – азалдан тарихий обидалари, сифатли маҳсулотлари билан дунёга дарвозасини очган маскандир. Бу кўҳна шаҳарнинг ишбилармон, тадбирли одамлари етиштираётган маҳсулотлар бугун ҳам жаҳоннинг ўнлаб давлатларида ўз харидорига эга.

Масалан, жомбойлик тадбиркор Фулом Пайзиев бундан 5-10 йил аввал фақат ички бозорга маҳсулот етказиб берган бўлса, ҳозирда унинг маҳсулотларига хорижда талаб ортиб бормоқда. Сабаби – маҳсулот сифати хорижлик ҳамкорларни қониқтираётган бўлса, юртимизда тадбиркорларга экспорт қилиш учун яратилган имтиёз ва имкониятлар уларга қўл келмоқда.

– Аслида экспортга маҳсулот чиқариб, рақобатда дош беришинг ўзи катта меҳнат ва изланишни талаб этади, – дейди у. – Бунинг учун фақат сифатга эътибор беришимиз, уни жаҳон талаби даражасида ишлаб чиқаришимиз зарур. Бунда бизга “Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонасининг ёрдами жуда катта бўлмоқда. Шуқри, шу кунгача харидорлардан эътироз эшитмадик, бунда марказ мутахассисларининг хизмати катта.

Кези келганда шунини айтиш керакки, вилоятда бугунги кунда 30 мингта яқин тадбиркорлик субъекти, қўл тармоқли фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар томонидан жомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи йил сайин ортиб бораёпти. Статистик маълумотлар Самарқандда йилдан йилга импорт ҳажми камайиб, экспорт ҳажми ортаётганини кўрсатаёпти. Ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида соғлом рақобатнинг вужудга келиши, сифатнинг ўсиши бунда асосий омил бўлмоқда.

– Марказимизда 70 нафарга яқин ходим фаолият юритаётган бўлса, барчанинг мақсади муштарак, у ҳам бўлса аҳолига, айниқса, тадбиркорлик субъектларига доимо яқин кўмакчи бўлишдир, – дейди “Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонасининг директори Сардор Қўшақов. – Вилояти-мизда, ҳисоблаб чиқдик, мингдан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилар экан. Ана шуларнинг сифати, хавфсизлигини таъминлаш идорамиз ходимларининг асосий вазифаси саналади. Шунинг учун ҳам марказимизнинг маҳсулотларини сертификатлаш, туризм ҳамда меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш бўйича махсус ихтисосга эга. 2 нафар ходим эса экспорт-аудиторликка номзоддир.

– 2016 йилнинг ўтган даври мобайнида марказимизнинг сертификатлаштириш идорасига тадбиркорлардан импорт ва маҳаллий маҳсулотлар, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг сертификатларини тан олиш бўйича 2 мингдан ортиқ мурожаат бўлганининг ўзи ҳам худудимизда ишбилармонлик муҳитининг мақбулликдан далolat беради, – дейди Сардор Қўшақов сўзини давом эттириб. – Ўтган йилдан бошлаб марказимизда аризаларни онлайн тарзда қабул қилиш ҳам йўлга қўйилди ва ижроси ўз вақтида таъминланмоқда. Самарқанд сайёҳлар шаҳри эмасми, бу ерда зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар сони йил сайин ортиб бораёпти. Марказимизнинг туризм ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш идораси томонидан ўтган даврда соҳага оид 7 та мурожаатнинг ижроси таъминланди. Экспорттоп маҳсулот ишлаб чиқарувчилар корхоналар, тадбиркорлик субъектларига вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, Савдо-санoат палатасининг вилоят филиали ҳамда давлат Божхона қўмитасининг вилоят бошқармаси ходимлари билан ҳам-корликда амалий ёрдам кўрсатиб ке-

ляяпмиз. Масалан, “MAN” автомобил заводи, “Sino” масъулияти чекланган жамияти ва бошқа бир қатор корхоналар шулар жумласидандир. Мазкур корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқаро ISO 9001 талабларига тўла жавоб бериши туфайли, яқин ва узоқ хорижга экспорт қилинмоқда. Марказимизнинг Сифат менежмент тизимларини сертификатлаштириш идорасининг акредитация доираси O’zDSt ISO 50001:2015 “Энергетик менежмент тизими”, O’zDSt ISO 22000:2009 “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежмент тизими” халқаро стандартлари бўйича акредитация доираси кенгайтирилиб, O’zDSt ISO 50001:2015 “Энергетик менежмент тизими” халқаро стандарти бўйича “Кинал” корхонасига жорий қилиш ишлари бошланди. Марказ сертификатлаштириш идораси ва унинг лабораториялари томонидан умумий техник ва махсус техник регламентлар асосида сертификатлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, “Автотранспорт воситалари конструкцияларининг хавфсизлиги тўғрисида”, “Таълим муассасалари учун пойабзал хавфсизлиги маҳсулотлари тўғрисида”, “Сиқилган табиий газ, суюлтирилган газ ёки дизель ва газ ёқилғиси аралашмаси билан ишлайдиган транспорт воситалари хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентларга ҳамда “Ҳарбий хизматчилар учун устки кийим хавфсизлиги тўғрисида”, “Ҳарбий хизматчилар учун пойабзал хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус техник регламентларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга эътибор қаратиб келинмоқда.

Маълумки, ер юзининг сайқали ҳисобланмиш ушбу заминга ҳар йили минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Табиийки, уларга хизмат кўрсатишнинг дунё андозалари даражасида ташкил этилиши ҳам юртимизга, хусусан, Самарқандга сайёҳлар оқими-нинг янада ошишига сабаб бўлаёпти. Демак, Самарқанд нафақат ўз маҳсулотлари, балки меҳмондўстлиги билан ҳам дунёга янада машҳур бўлмоқда.

**Зиёдулла МЎМИНОВ,** “XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган



### ЎЗУВЛАР ХИРАЛИГИ УЧУН...

– Қарз шартномаси тузиш ниятида нотариал идорага боргандим. Аммо ҳужжатларимдаги ўзувларнинг хиралиги туфайли нотариус ҳужжатларни қабул қилмади. Шу тўғрисида?

**Ш. Собитова,** Оққўрғон тумани

– “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларга қўйиладиган талаблар қайд этилган. Ушбу модда талабига биноан, нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қилиб ўтирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган ҳужжатларни, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатларни қабул қилмайди.

Нотариал тасдиқланадиган битимларнинг матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши керак, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан, юридик шахсларнинг номлари эса – улар органларнинг манзилларини кўрсатган ҳолда қисқартирилмасиз ёзилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ ёзилиб, яшаш жойи кўрсатилган бўлиши керак.

Бир варақдан ортиқ бўлган ҳужжат ип ўтказиб тижилган, варақлари рақамланган ва муҳр босиб тасдиқланган бўлиши керак.

### ИЖАРА ШАРТНОМАСИ қанча муддатга тузилади?

– Уй-жойни ижарага бериш шартномаси қанча муддатга ва қандай шаклда тузилади?

**Н. Обидов,** Олмасзор тумани

– Фуқаролик кодексининг 603-моддасига асосан уй-жойни ижарага бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Шунингдек, мазкур кодексининг 612-модда-

сига кўра уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат белгиланган бўлмаса, у беш йилга тузилган ҳисобланади.

### МУЛК ҲУҚУҚИ БОШҚА ШАХСГА ЎТГАНДА шартнома ўзгартриладими?

– Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ижара шартномасининг ўзгартрилишига олиб келадими?

**А. ТЕМИРОВ,** Юнусобод тумани

– Фуқаролик кодексининг 604-моддасига биноан ижара шартномаси бўйича эгаллаб турилган уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши шартноманинг ўзгартрилиши ёки бекор қилинишига олиб бормайди. Бунда янги мулкдор илгари тузилган ижара шартномаси шартлари асосида ижарага берувчига айланади.

### ХАТЛАНМАГАНЛИГИ ТЕКШИРИЛАДИ

Мулк ижараси шартномасини тасдиқлашда қандай ҳужжатлар зарур бўлади?

**С. Ҳабибуллаева,** Самарқанд шаҳри

– Адлия вазирининг 2010 йил 30 мартдаги буйруғи билан тасдиқланган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 133-бандига асосан, мулк ижараси шартномасини тасдиқлашда нотариус қуйидагиларни талаб қилади: – мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат (нусхаси қўлдирилиб, асли қайтариб берилади); – ижара нарсаси умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулк), барча эгаларнинг (эр-хотиннинг) розилиги; – васийликдаги шахсга қарашли бўлган мол-мулк ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги.

Ижарага берилаётган мулк давлат рўйхатидан ўтказиладиган мулк бўлса, нотариус шу куннинг ўзида тегишли нотариал идорадан ушбу мулкнинг бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақидаги маълумотномани олиши лозим. Бунда ушбу маълумотнома олинганлиги учун тўлов ундириш тақиқланади.

Фуқаролик кодексининг 541-моддасига асосан ижарага берилаётган мол-мулк топшириши қабул қилиш далолатномаси асосида топширилиши лозимлиги тарафларга таъшунтирилади ва бу ҳақда шартнома матнида кўрсатилади.

### Саволларга пойтахтимизнинг Яшнобод тумани

**1-сонли давлат нотариал идораси** катта нотариуси

**Шуқурулла АКБАРОВ** жавоб берди.

### РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 10 июндаги “Республика иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳасини 2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумига барқарор ишлашга комплекс тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш асносида жойларда бир қатор муаммоларни ҳал этишга эришилмоқда. Жумладан, табиий газдан суюлтирилган газ таъминотида ўтказилган ва ўтказиладиган худудлардаги қувурлар ҳамда тақсимлаш қурilmаларини демонтаж қилиш, улардан мақсадли фойдаланиш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ газ етказиб

## Мавсум кутиб турмайди

берувчилар, ундан фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

“Пахтаободтумангаз” филиали жамoаси шундан келиб чиқиб, режага кўра, 2016 йилда “Бўстон-Навнхoл” йўналишидаги 3 километр 200 метри, “Бўстон-Дурдиёр” худудидида 2 километр 650 метри ўрта босимдаги газ қувурлари қайта қўздан кечирилди, 75 та газ қувуридида

# МОҲИЯТ

**Одил ЁҚУБОВ,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



## ФОТИҲА

Қишлоқда расм бор: олти-етти ой, ҳатто бир йилдан кейин борсангиз ҳам бу орада вафот этган таниш-билишларга фотиҳа ўқиб, оила аъзоларига таъзия билдиришингиз керак.

Бир борганимда, бизнинг сой маҳалладан ёш бир йигит вафот этганини айтиб қолди. Мўйсафид амаким ва ўқитувчи жияним билан марҳумга фотиҳа ўқигани бордик.

Мен марҳумни болалигидан танир эдим. У эри фронтда ҳалок бўлган, муштиллар бир беванинг ёлғиз ўғли эди.

Йигит армия сафидан уч йил хизмат қилиб, у ердан яхшигина монтер бўлиб, рус қизига уйланиб қайтган, лекин кўп ўтмай, тўғон қурилишида тоқ уриб ўлган эди.

Бу воқеа мен боришдан қарийб бир йил аввал содир бўлган, бу орада келин ҳам Россияга кетиб қолган эди.

Муштиллар она қизининг уйига кўчиб ўтган экан, бизни кўёв бола бўлса керак, олифталарча кийинган, ёш, қувноқ бир йигит қарши олди ва деразалари тоққа қараган катта чорси хонага бошлаб кирди.

Унинг тўрида, бошида кўк доқа рўмон, озгингина бир хотин кўрпа қапиб ўтирарди. Биз киришимиз билан аёл ўрнидан турди ва рўмонини юзига тортиганича четлаб юриб, тоғ томондаги ичкариги уйга кириб кетди.

Амаким фотиҳа ўқиди. Кейин дастурхон ёзилди. Чой устида гап-сўз, ҳар хил хангомалар. Кўёв бола ҳам хушчақчақ йиғит экан, у ёқ-бу ёқдан гапириб, қулдириб ўтирди. Ниҳоят, бир-икки пивла чой ичилган, кўзгалдик.

Биз ҳовлига чиқиб, кўчага бурилганимизда қаердан дор



## ХОЛ

орқадан, боғ томондаги уйдан, ҳазин бир куй куюгимга чалингандай бўлди. Бейхитиёр қадамимни секинлатдим, му аъзойи-баданам қақшаб кетди. Мен куй, деб ўйлаган товуш куй эмас, она йиғиси эди!.. Она секин, гўё биздан аймангандай, гўё хушчақчақ кўёв боласи эшитиб қолшидан қўрққандай, оҳиста йўқлаб, нималарнидир айтиб йиғларди. Унинг сўзларини тушуниб бўлмас, лекин нима дейётганини ҳазин куйдай мунгли овози ўзи айтиб турарар, у кимгадир зорланар, биринчи эридан чеккан жафоларини (у киши уч марта турмуш қурган, шунинг учун ҳам неваралари уйига сизмас эди!) этимиз жимирлаб эшитардик. Эсимда бор, бир кунни катта холамнинг бўйига етган қизи кампирни кучоқлаб: – Бувижон! – деди эркаланиб. – Кошқийди, худо шу хусни-жамолингизни, мана бу қора холингизни менга берса!

Узун қиш кечалари биз бувимларнинг бошидан кечирган саргузаштларини, биринчи эридан чеккан жафоларини (у киши уч марта турмуш қурган, шунинг учун ҳам неваралари уйига сизмас эди!) этимиз жимирлаб эшитардик. Эсимда бор, бир кунни катта холамнинг бўйига етган қизи кампирни кучоқлаб: – Бувижон! – деди эркаланиб. – Кошқийди, худо шу хусни-жамолингизни, мана бу қора холингизни менга берса!

Шу-шу бирор жойга фотиҳага борсам, бўлакча мунгага, қандайдир юксак мусибат, овуңсиз нолага тўла ўша товуш эсимга тушади. Бу товуш бировларнинг мусибатини чуқурроқ ҳис қилишга, сукут сақлашга даъват этади.

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

### Маҳсулот сертификати

Маҳсулотларга нисбатан сертификатлаштириш иборасининг қўлланилиши ҳақида маълумот берсангиз.

**Г. Ашурова,**  
Ангрен шаҳри.

Сертификатлаштириш – маҳсулотни ўрнатилган талабларга унинг сифати билан тўғри боғлиқлигини тасдиқлашдир. Мамлакатимизда сертификатлаштириш тизимининг қуйидаги мажбурий ва ихтиёрий турлари амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаштиришга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган махсус рўйхатга киритилган, ишлаб чиқариладиган, олиб кириладиган ва олиб чиқариладиган, сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар кирди.

Ихтиёрий сертификатлаштиришга эса Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларига асосан рўйхатга киритилмаган хизмат ёки маҳсулотлар кириши мумкин, бу вақтда ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи ёки истеъмолчилар ташаббуси билан ихтиёрий тартибда сертификатлаштириш ўтказилади.

– Илтимос, озиқ-овқат маҳсулотлари учун бериладиган мувофиқлик ва гигиеник сертификатлар ўртасидаги фарқ ҳақида маълумот берсангиз?

**У. Бурхонов,**  
Бекобод шаҳри.

– Товарнинг мувофиқлик сертификати сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мослигини тасдиқлаш учун берилган ҳужжат ҳисобланади. Гигиеник сертификат эса озиқ-овқат маҳсулотлари, технологиялар, ускуна ва бошқа жараёнларнинг амалдаги санитария меъёрулари ва қоидаларига тўғри эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжатдир.

**Саволларга Бекобод шаҳар Стандартлаштириш давлат корхонаси раҳбари Жамшид ҒАНИЕВ** жавоб берди.

## ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида “Ўзстандарт” агентлиги “Навойи синов ва сертификатлаштириш маркази” Давлат корхонаси-маҳсулотлар синовини ўтказиш, уларга мувофиқлик сертификатлари беришда яқиндан ёрдам кўрсатади.

Шунингдек, мавжуд ўлчов воситаларини давлат қиёсовидан ўтказиш, Халқаро ISO: 9001 сифатни бошқариш тизимини жорий этиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатилиб, унинг афзалликлари, берилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб боради.

Сиз “Навойи синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонасининг (0-436) 224-07-51 рақамли ишонч телефонига кўнги-роқ қилишингиз ёки www.navoissm.uz веб-сайтими орқали ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

**Биз сизнинг хизматингиздамыз, азиз тадбиркорлар!**

**Манзил:** Навойи шаҳри, “Умид” кўрғони, М. Таробий кўчаси, 185-уй.  
**Телефонлар:** (0-436) 224-07-51, факс: (0-436) 224-93-61.  
**e-mail:** navoiset@evvo.uz

“Навойи синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси.

Хизматлар лицензияланган

ЭЛЛОБ

## TURKISTON BANK

хусусий акциядорлик тижорат банки қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

### “ТУРКИСТОН-КОММУНАЛЧИ” мuddатли омонати

Бу омонат 12 ой мuddатга қўйилиб, ойлик фоизини ҳар ойда олиш мумкин. Омонатга ҳисобланган фоизлар асосан коммунал тўловлар учун йўналтирилади ёки “Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банкида очилган пластик карточкаларга тушириб берилади. Омонат мuddати тугаганидан сўнг фоизи билан бирга мuddатсиз, фоизсиз омонат турига ўтказилади.

### “ТУРКИСТОН-ВАТАНПАРВАР” мuddатли омонати

Мазкур омонат 12 ой мuddатга қўйилиб, ойлик фоизини ҳар ойда олиш мумкин. Омонат мuddати тугаганидан сўнг фоизи билан бирга мuddатсиз омонат турига (талаб қилиб олингунча) ўтказилади.

### “ЭКСКЛЮЗИВ” мuddатли омонати

Ушбу мuddатли омонатга аҳоли маблағлари 13 ой мuddатга нақд пулсиз қабул қилинади. Омонатчи ҳисобланган фоиз даромадларини ҳар ойда “Туркистон” хусусий акциядорлик тижорат банкида очилган пластик карточкасига ўтказиш орқали олади.

### “ТУРКИСТОН-НУРОНИЙ” янги жамғариб бориладиган омонат тури

Миллий валютадаги жамғариб бориладиган мазкур омонат тури асосан нафақахўрларга мўлжалланган бўлиб, нафақа тўловлари учун очилган банк пластик карточкаларидан пул маблағларини омонат мuddати давомида қўшиб бориш орқали жамғариш мумкин. Омонатнинг фоиз тўловлари ҳар ойда ёки омонат мuddати тугаганидан сўнг омонатчи хоҳишига кўра нақд пулда ёки пластик карточкага ўтказиш орқали берилади. Омонатнинг минимал миқдори 200 минг сўм, максимал миқдори чекланмаган.

### ЖАМҒАРМА ДЕПОЗИТ

Бу жамғарма омонатига аҳолининг нақд пул маблағлари йиллик 4 фоиз ҳисобида даромад тўлаш шартини билан муайян мақсадлар учун қабул қилинади. Сақлаш мuddати чекланмаган.

## “Туркистон” банк – бизнесда ишончли ҳамкор!

Хизматлар лицензияланган

16-382

O'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши Мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича раис ўринбосари Бахтияр Рузметовга умр йўлдоши

**Дилором НАЗАРОВА**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Қашқадарё вилоят Кенгаши Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати Абдусалим Мўминовга отаси

**НУРИТДИН БОБОНИНГ**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

РЕКЛАМА

# AVTOSALON

## «SARDOR AVTO INVEST»

**ZAZ Forza, дв: 109 л.с. – бензин/газ**

**Нива Бизнес – пикап, 4x4, дв: 80,92 л.с. – бензин/газ**

**Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ**

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй.  
Мўлжал: Жанубий вокзал. Телефонлар: (+99871) 215-09-11, 250-23-93.  
[www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

Маҳсулотлар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**MUASSIS:**  
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

**Таҳрир хайъати:**

Содиқжон ТУРДИЕВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Алишер СУЛТОНОВ  
Абдумажид КАРИМОВ  
Алишер ШАЙХОВ  
Икбол МИРЗО

Қувондиқ САНАКУЛОВ  
Тулкин ЭШНАЗАРОВ  
Алдам ШОДМОНОВ  
Расул КУШЕРБАЕВ  
Виктор ПАК  
Бегмат ОЧИЛОВ

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:  
xxi.asr@gmail.uz

Телефонлар:  
қабулхона – 215-63-80  
(тел./факс),  
Котибият – 281-40-17  
Реклама ва шартнома-  
лар бўлими – 215-60-45,  
255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

**Корхона манзили:**  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми – 5 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 1066 Тираж: 8746  
Баҳоуси келишилган нархда.  
Ўза якуни – 21:35  
Топширилди – 02:30

Таҳририятда келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилган шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктани назардан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терлиди ҳамда дизайнёр

**Маъруфжон Раҳмонов**  
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

9 772181 497009

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**  
123456

Навбатчи муҳаррирлар:  
Б. ИСРОИЛОВ, С. ЗОИРОВ